1-102 1-XII 1997 I-XII 1-XII

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 3 январь. Жума № 1 (5.774). Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКАДА МУСИҚИЙ ТАЪЛИМНИ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ёш авлодни ўзбек маданияти ва санъати анъаналари, илғор жаҳон андозалари асосида билим олишини таъминлаш ҳамда ушбу соҳа ўқитувчи, илмий-ижодий ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, шунингдек, республика маданият ва санъат билим юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг ўз тасарруфидаги болалар мусиқа ва санъат мактабларини «Таълим муассасалари» рўйхатига киритиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

1997 йил 1 январдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги:

болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари (директор, директор ўринбосари, ўқитувчи ва концертмейстерлари)га Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 8 январдаги 3-сонли қарорида белгиланган имтиёзлар;

ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари, концертмейстерларига ҳамда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти илмий ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 октябрдаги 415-сонли қарорида белгиланган моддий рағбатлантириш бўйича барча имтиёзлар татбиқ этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига:

тегишли вазирлик, ташкилот ва муассасалар билан биргаликда ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, бой миллий-маънавий меросимиз, ҳозирги замон ижодий ютуқларимиз, шунингдек, умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, ўрганиш ва ўзлаштириш ишларини янада яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

болалар мусиқа ва санъат мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида иқтидорли ёшларнинг миллий анъаналарни чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш, шунингдек, жаҳон андозаларига мос равишда таълим олишлари учун махсус ўқув дастурларини тайёрлаш;

ўқув юртларини юқори сифатли чолғу асбоблари ва зарур замонавий техник воситалар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

нодир, қимматбаҳо мусиқа асбобларини тўплаш, асраш, улардан унумли фойдаланиш мақсадида вазирлик ҳузурида «Мусиқий чолғулар давлат коллекцияси»ни ташкил этиш;

истеъдодли ёшларни санъат соҳасидаги халқаро ва республика миқёсидаги кўрик-танловлар, фестиваллар ва бошқа турдаги анжуманларда иштирок этишлари, уларнинг чет элларга ижодий сафарларга чиқишлари, шунингдек, мамлакатимизда бундай тадбирларнинг ўтказилишини таъминлаш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Фармонда кўзда тутилган сарф-харажатларни Маданият ишлари вазирлигининг буюртмасига мувофиқ республика бюджетидан қопласин.

Марказий банк тегишли маблағларни белгиланган тартибда эркин муомаладаги валютага айирбошлашни таъминласин.

4. Жойлардаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчиларини моддий рағбатлантириш ва билим юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ сарф-харажатларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

5. Оммавий ахборот воситаларига ёшларнинг маданият ва санъат соҳасида эришаётган ютуқларини кенг тарғиб қилиш, янги истеъдодларни излаб топиш ва уларни танитишда бевосита иштирок этиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил, 31 декабрь.

Юртимизда тинчлик ва осойишталик. Янги — 1997 йилга эзгу ниятлар билан қадам қўйдик. Энг қувончлиси, қутлуғ йилимиз «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. Бу, барча-барчамизни меҳнат муваффақиятлари сари даъват этади.

Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги аъзолари дастлабки ютуқларни қўлга киритишди. Мавжуд техникани таъмирлаш ишлари биринчилар қаторида сифатли адо этилди.

СУРАТДА: (чапдан) туман давлат техника назорати ҳаками Нурмуҳаммад Мирзаахмедов, жамоа хўжалиги муҳандиси Олимжон Давронов ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси муҳандиси Раҳматулла Нажмиддиновлар мавсумга шай қилиб қўйилган техника воситаларини кўздан кечиришаяпти.

Аҳмад ЮСУФБОЕВ олган сурат.

ДУНЁДА ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАЙМИЗ

биров халақит бермаса бас

Президентимиз Ислом Каримовнинг республика Олий Мажлисининг VII сессиясида «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонуннинг давлатимиз ҳаётидаги муҳим ўрни хусусидаги фикрлари халқимиз онги шууридан чуқур жой олди.

Қуйида турли соҳа кишиларининг шу долзарб масала юзасидан дил сўзлари баён этилган.

Барпо этилаётган ҳаётимиз фақат ўзимизга боғлиқ десак, унча тўғри бўлмайди. Мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида оламшумул ишларга қўл урилмоқда, муаммолар аста-секин ўз ечимини топмоқда. Бироқ мамлакатнинг гуллаб-яшнаши учун унинг атрофида ҳам тинчлик бўлиши, ташқи ёвуз кучлар тараққиёт йўлига тўғаноқ бўлмаслиги керак. Бундоқ қараганда жумлаи жаҳонда ҳаёт яхши кечаётган кўринади. Лекин қаерлардадир қон тўкилмоқда. Сабаби урушларнинг пинҳоний тарафдорлари бор. Мана қўшнимиз Афғонистонда ўн саккиз йилдан буён қирғин-барот уруши тўхтамаяпти. Шу муддат ичида қанчадан-қанча бегуноҳ кимсалар қурбон бўлди, қўпдан-кўп уй-жойлар вайронага айланди.

Олий Мажлис VII сессиясида таъкидланганидек, «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонуннинг бебаҳо томонларидан бири шуки, унга кўра Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий блокларга, мафкуралашган гуруҳларга қўшилмайди. Акс ҳолда, нисбатан кичик мамлакатлар катта давлатларнинг хоҳишини бажарадиган ҳолатга тушиб қолади...

Муроду мақсад ҳушёрликни ошириш, ҳамжиҳатликни яхшилаб, мустақиллигимизни кун сайин мустаҳкамлаб боришдан иборатдир. Хонқа туманидаги «Ғалаба» хўжалигимизда дон етиштиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Иқтисодий ислоҳот туфайли деҳқонларнинг ерга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Жумладан, ҳиссадор гектаридан 40 центнердан шоли топшириб, қолганини ўзига олади. Янги усул кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Шу боис етмиш, саксон центнерчилар сафи кенгайиб бормоқда. Бундан ташқари одамларимизнинг ўзлари сара уруғлик, минерал ўғит топиб, иложи борича тежаб-тергаб фойдаланаяптилар.

Мустақиллик йилларида хўжалигимизда дон етиштириладиган майдонлар ўн баравар кенгайди. Бошқа соҳалар ҳам йил сайин ривожланиб бораяпти. Зарбдорлар қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари билан рағбатлантириб келиняпти. Ўтган йилги муваффақиятлар учун вилоят ҳокимияти хўжаликка енгил автомашиналар ажратди. Қатор деҳқонларимиз ҳозирги кунда саломатлик масканларида мирииқиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Мактаблар, болалар боғчаларига ҳам эътибор кучайтирилган. Ҳамкору ҳамжиҳатлик бор жойда ҳамиша иш олдинга босади.

О. ТОИРОВ,
ижарачи.

* * *

Россия газеталарида чоп этилаётган баъзи мақолаларни ўқиб ҳайратланаман. Сабаби Ўзбекистондаги ҳаёт, ислоҳотларнинг бориши гоҳо нотўғри талқин қилинаяпти. Шовинистик кайфиятдаги баъзи кимсаларнинг алахсираши эса янада хайратомуз. Улар МДҲни конфедерацияга айлантириш керак, дея жар солишмоқда. Ахир кимни алдашаяпти? Биз — ўзбекистонликлар ўтмиш сабоқларидан ўзимизга тегишли хулосалар чиқариб олганмиз. Орқага қайтиш йўқ. Керак бўлса жонни фидо этиб, мустақиллигимизни ҳимоя қиламиз!

Корхонамизда ўнга яқин миллат вакиллари меҳнат қилишади. Юқори Чирчиқдаги нон маҳсулотлари корхонаси аҳолига сифатли неъматлар етказиб бермоқда. Деҳқончилик ишлари қизиган кезларда кунига 10—12 тоннагача маҳсулот жўнатдик. Цехларимиз замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Мураббийчилик ҳаракати ривожлантирилиб, малакали кадрлар тайёрланмоқда. Бир кунда 30 тоннагача маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлган мазкур корхона қанчадан-қанча аёлларни муқим иш билан таъминлади. Эндиликда қўли гул, тажрибали новвойларимиз билан фахрлансак арзийди. Икки йилдан буён маҳсулотларимизнинг давлат мароми даражаси республика кўрикларида юқори баҳоланмоқда.

Мураккаб шароитда яшаяпмиз. Атрофимизда рўй бераётган воқеаларнинг хавотирли жиҳатларини эътибордан қочирмаслигимиз лозим.

А. ГУРЧЕНКО,
новвой.

* * *

1996 йилда эришган ютуқларимизни бирбир назардан ўтказарканмиз, қалб жунбушга келади. Асакадаги автомобиль, Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводлари каби гигант корхоналар тимсолида энг улуғ кунларга замин яратилди. Ўзбекистон эндиликда юксалиш босқичига кирганлигини Россия ҳам эътироф этмоқда. «Независимая газета»сининг ёзишича, Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариш даражаси 1990 йилга нисбатан 106 фоизни ташкил этмоқда. Худди шу даврда Россиядаги ўсиш 47 фоиздан ошмади. Саноат ишлаб чиқариш даражасини оширишда Ўзбекистон ҳозир барча Ҳамдўстлик мамлакатларидан олдинда кетаяпти. Демак, биз бағоят қисқа муддатда, аммо қийин шароитда келажагимиз пойдеворини қуриб олдик. Энди ҳеч кимда шубҳа йўқ: Ўзбекистон халқи фаровон турмуш кечирадиган буюк давлат бўлади. Бу ҳақда юртбошимиз Олий Мажлис сессиясида ифтихор билан гапирганликлари барчамизнинг руҳимизни кўтарди, келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлади.

Шу кунларда қишки тадбирларни уюшқоқлик билан амалга ошираяпмиз. Сахий далаларга ўғит, нури ташиб келтирилмоқда. Техникани таъмирлаш, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари уюшқоқлик билан амалга оширилаяпти. Кайфиятга кўп нарса боғлиқ. Термиз туманидаги «Дўстлик» хўжалигимизда ўтган йили чинакам пахта мавсуми бўлди. Гектаридан қарийб 30 центнердан хирмон кўтарилди. Давлатга 3.005 тонна сифатли хом ашё топширилди.

Ўзим етакчилик қилаётган бригада илғорлар тажрибасини кенг қўллади. Бир сўз билан айтганда омилкорлик ва ташаббускорлик туфайли илк бор гектаридан 45 центнердан пахта ҳосили олишга эришдик. Кўп йиллардан буён басма-басига ишлаётган Хушбоқ Шерназаров бошлиқ жамоа ҳам пешқадамлар сафидан ўрин олди. Моддий манфаатдорлик таъминланди. Заршуноснинг чўнтаги бу йил росмана пулга ёлчийдиган бўлди. Топганимиз яхшиликка буюрмоқда. Ўзимча ният қиламан: илойим ҳур Ўзбекистонни, салоҳияти кучли, меҳрибон Президентини ёмон кўзлардан асрасин.

Р. ЁЗДУРДИЕВА,
бригада бошлиғи.

* * *

Инсон озод, эркин ва бахтиёр яшаш учун туғилган. Парламентимиз қабул қилаётган барча қонун ва қарорлар шу эзгу мақсадга хизмат қилаяпти. Олий Мажлис еттинчи сессияси ҳужжатларини ўқиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Мамлакатимизда Президент бошчилигида ташқи сиёсатдаги йўналишларимиз аниқ-равшан белгилаб олинган. Сессияда таъкидланганидек, ҳар қандай давлат билан — у узоқми, яқинми тенг манфаатли ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Блокларга, гуруҳларга қўшилиш эса бизнинг бу борадаги имкониятларимизни чеклаб қўяди. Демак, Ўзбекистон ўзи танлаб олган йўлдан оғишмай боради.

Мақсадга эришиш ҳар бир фуқаронинг саъйи-ҳаракатига, меҳнати натижаларига боғлиқдир. Туманимизда «Кабул—Туйтепа—Текстиль» қўшма корхонасининг ишга туширилиши ўзбек ва корес халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлади. Улкан иншоотнинг ғоят қисқа муддатда битказилиши ҳам юртимиздаги имкониятлар нақадар чексизлигидан далолатдир. Иккиланмай айтаман, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!

Л. ПАК,
меҳнат фахрийси.

Суҳбатдош:
Мирғиёс ҚАЮМОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» шарҳловчиси.

ЯНГИ ЙИЛНИНГ ЖЎШҚИН МАРОМИ

Кейинги йилларда Чортоқ туманида пахтачилик, ғаллачилик билан бир қаторда сабзавотчилик ҳам ривожланиб бормоқда. Миришкор деҳқонлар ўтган йилда қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича қувончли натижаларга эришдилар.

Ғаллакорлар фидокорона меҳнат туфайли режани 116 фоиз, пахтакорлар эса 109 фоиз қилиб уддаладилар. Шунингдек, миришкорлар аҳолига картошка етказиб бериш режасини 182 фоизга, боғбонлар эса эл дастурхонини мева билан таъминлашни 122 фоизга адо этдилар.

Туманда етакчи тармоқлардан бири чорвачиликка ҳам эътибор қаратилган. Шу боис чорвачилик маҳсулотлари етиштириш режалари ҳам уддаланди. Чорвадорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли гўшт етиштириш режаси 103 фоиз, сут 110 фоиз, тухум эса 175 фоизга адо этилди.

Туманнинг эришган меҳнат муваффақиятларида «Мустақилликнинг беш йиллиги», Навоий номли, «Пешқўрғон», Бобур номли жамоа хўжаликлари аъзоларининг муносиб ҳиссалари бор. Ҳозирги кунда барча хўжаликларда йил якунлари таҳлил қилиниб, йўл қўйилган хато ва камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан ибратли тадбирлар белгиланаяпти.

Шу кунларда туман хўжаликларида қишки юмушлардан ариқ-зовурларни тозалаш, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, техника воситаларини таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Чорвадорлар эса молларни қишловдан беталофат олиб чиқиш, маҳсулдорликни камайтирмаслик учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

ТОҒ БАҒРИ МАЙСАЛАРИ

Бир неча ўн гектар ерни эгаллаб турган «Майманоқ» тоғ бағирлари ҳамиша кўм-кўк бўлиб ётади. Айниқса, куз ва қиш ойларида ҳам тоғ атрофларида ям-яшил майсалар кўзга ташланади. Бу ерлик аҳолининг касб-кори боғбонлик бўлса-да, кейинги йилларда пахта-ғалла, сабзавот ва полиз экинлари етиштириш билан шуғулланиб келмоқда. Касби туманидаги «Майманоқ» жамоа хўжалиги ғаллачиликни ривожлантиришга жиддий эътибор бермоқда. Ҳар йили «Майманоқ» тоғи ён бағирларига арпа ва буғдойнинг серҳосил навларини экиб, гектаридан 30-35 центнердан ҳосил олишга эришилди. Об-ҳаво ноқулайликларига қарамай, жорий йилда жамоа хўжалигида ғалладан баракали ҳосил олинди. Суғориладиган майдонларнинг гектаридан олинган ҳосил ўртача 30 центнерга тўғри келди.

Ғаллакорлар ҳосилдан бўшаган ерларни барвақт шудгорлашга одатланганлар. Сифатли шудгорланган майдонларга қадалган уруғ хатосиз униб чиқди.

Кеч кузда 120 гектар ерга

Ғалла мустақиллиги йўлида

буғдойнинг серҳосил «Санзор 8» нави сепилган эди. Ҳозир ана шу майдонларда майсалар барқ уриб ривожланаяпти. Ғаллакорлар майсаларни бир марта озиқлантириб, икки сувдан чиқаришди.

Шомурод Раҳмонов етакчилик қилаётган бригада ғаллакорлари йилни муваффақиятли якунладилар. Ўтган йил гектаридан 30 центнердан хирмон кўтарган ғаллакорлар бу йил 40 центнерлик маррани кўзлаган ҳолда меҳнат қилаяптилар. 30 гектар ердан 120 тонна дон етиштиришга аҳд қилган бригада ғаллакорлари, майсалар парваришини агротехника қоидаларига мувофиқ ўтказмоқдалар. Ҳозиргача ғалла майдонлари бир марта озиқлантирилиб, икки марта сувдан чиқарилди. Ҳамма майдонларда майсаларнинг авжи яхши. Майсаларни парваришлашда механизатор Нормурод Ражаббоевнинг хизматлари катта бўлаяпти. У ўзига бириктирилган трактори билан ҳар куни ғалла майдонлари атрофига 15-20 тонна маҳаллий ўғит чиқаряпти.

Ю. ЖЎРАЕВ.

АНДИЖОНЛИКЛАР ИЗИДАН

Халқимизда ер юзини эр очар, деган нақл бор. Дўстлик туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалиги шу оддий ҳақиқат туфайли қийинчиликларни енгиб, бой жамоалардан бирига айланиб бормоқда.

Кейинги йилларда аграр соҳада ҳам тадбиркор ва ишбилармонларга кенг йўл очилганлиги боис, хўжаликда деҳқончиликнинг сир-синоатини яхши биладиган, ер билан тиллаша оладиган деҳқонлар сони ортди. Натижада маҳсулот етиштиришда кескин бурилиш ясалди. Бир мисол. Беш йилдан буён «Оқ олтин» жамоа хўжалиги пахта ва ғалла етиштиришда туманда эмас, вилоятда ҳам юқори ўринлардан бирида туради.

Жорий йил якунларига назар ташларканмиз, меҳнат унумдорлигининг ортгалиги, деҳқон меҳнати қадр топаётганлиги ва тадбиркорлар сафи кенгаяётганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, миришкорлар ўтган йилда 3422 гектарда пахта, 2385 гектарда ғалла етиштирдилар. Йил бўйи қилинган меҳнат, тажрибалардан унумли фойдаланганлик боис, унинг самараси чакки бўлмади. Ғаллачиликдаги кўрсаткич кутилганидан зиёд бўлди. Давлатга дон сотиш режаси ортиғи билан бажарилди. Ҳосилдорлик гектарига 35 центнерга етди.

Пахтачиликда ҳам кўзланган натижага эришилди. Бу соҳада ҳосилдорлик ўтган йиллардагига нисбатан 7 центнер кўп. Қилинган меҳнат самараси хўжалик иқтисодини оширишга асос бўлди. Сарҳисобга кўра, аграр соҳа тармоқларидан хўжалик 70 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаяпти.

Гапнинг рости, бозор шароитида аграр соҳадан катта даромад кўришнинг ўзи бўлмайди. Хўжалик миришкорлари янгиликларни ишлаб чиқаришга татбиқ этганликлари, илғор технологиядан унумли фойдаланганликлари туфайли ана шундай кўрсаткичларга эришиб келяпти.

Яна бир жиҳати бор. Аграр соҳадан неки ташаббус ва янгилик бўлса, албатта, хўжаликда синаб кўрилади. Бу ҳам ишчиларни тадбиркорликка ўргатяпти. Хўжаликда ижарачиларга кенг имконият яратилганлиги ҳамда шартнома бандларининг тўғри бажарилаётганлиги ҳам бош омиллардан.

— Янги йилдан ишчилар билан шартнома тузишнинг янги усулини жорий қилаяпмиз, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Искандар Ҳасанов. — Бунда 10-15 гектар ер ҳар хонадонга бўлиб берилиши кўзда тутилган. Бу борада дастлабки ишлар бошлаб юборилган. Асосий мақсад шуки, биринчидан, ерга эгалик ҳисси кучаяди ва ҳосилдорлик баланд бўлади. Иккинчидан, ернинг мелиоратив ҳолатини сақлаб қолишга имкон туғилади. Ўтган йилда 10 та хонадон мисолида ана шундай тажриба ўтказгандик. Натижа чакки бўлмади. Уларнинг ҳар бири маҳсулот етиштиришда юқори кўрсаткичга эришди. Шу боис туман раҳбарлари билан фикрлашиб, бу усулни жорий қилаяпмиз.

Миришкорларимиз янгиликка ўч. Бу йил хўжалигимизда 300 гектарда плёнка остида чигит экиш режалаштирилган. Айни пайтда бунга қизғин ҳозирлик кўриляпти. Майдонлар тайёрланиб, шўри ювилаяпти, минерал ва маҳаллий ўғит ташиб чиқарилаяпти.

Хўжаликда ерни тўйинтиришга, мелиоратив ҳолатини яхшилашга эътибор қаратилган. Айни пайтда корхоналар билан шартнома тузилиб, махсус техникалар келтирилган. Зовурларни тозалаш, коллекторлар қазиш ишлари ҳам қизғин бораяпти.

А. ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ЭЛНИ ДЕБ, ЭЛГА СУЯНИБ

Баҳористон — Қашқадарё воҳасидаги кенжа туманлардан. Бу ерда турли миллат вакиллари яшайди. Саксонинчи йилларда туман ҳақида фақат илиқ гаплар айтиларди. Аммо кейинчалик бу ердан файз кетди. Қурилиш, аграр соҳадаги ишлар ўлда-жўлда бўлиб колди. Беш йилдирки Баҳористон ўз мавқеини қайта тиклай бошлади. Бунда ислоҳотларталаби асосида иш кўрилаётганлиги бош омилкорлик бўлаяпти.

Қуйида туман ҳокими Ҳ.Тожиев шулар хусусда ҳикоя қилади .

Ўтган йили туманимиз учун самарали бўлди. Айниқса, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, янги иш жойлари яратиш, саноат корхоналари қуриш каби соҳаларда дастлабки қадамлар ташланди. Шу пайттача бизда саноат корхонаси бўлмаганди. Яқинда Олмония билан ҳамкорликда замонавий технологияга асосланган фабрикани ишга туширдик. Ҳозир бу ерда юз нафардан ортиқ ёшлар ишлаяпти. Бундай корхоналар қурилишини тезлаштириш диққат марказда. Айтайлик, Франция, Туркия, АҚШ каби давлатлардан мутахассислар келиб, бизга яқиндан ёрдам беришаяпти.

Кейинги икки йил оралиғида уй-жой қуриш анча ривожланди. Ўтган йилда 10 минг квадрат метр турар-жой фойдаланишга топширилди. Шулар қаторида янги бозор қурилди ва унинг ҳудуди 4 гектарга кенгайтирилди. Бозордаги хусусий дўконлар учун ер ажратиб берилди.

Яқинда эса баҳористонликларнинг яна бир мушкули осон бўлди: туманга нон ва нон маҳсулотларини 40 километр масофадан ташиб келтирилишига чек қўйилди. Эндиликда туман марказида кунига 4 тонна нон ва нон маҳсулотлари тайёрлайдиган завод ишлаб турибди.

Юртбошимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек маънавиятни юксак даражага кўтармай, аҳолига зарур шарт-шароитни яратиб бермай туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу боис, бу масала доимий эътиборда. Беш минг ўринли теннис кордининг ишга туширилганлиги меҳнаткашларни қувонтирди. Бу ўйингоҳ спортнинг барча турларини юксалтиришга хизмат қилиши билан бирга, 400 нафар кишини иш билан таъминлади. Бу ерда икки қаватли замонавий меҳмонхона, маданий-маиший объектлар қад ростлади.

Ўзгаришлар бор-йўғи бир йил баладида эришилган ютуқлардир. Бундан ташқари туманда банк бўлимлари очилди, туман телевидениеси иш бошлади, газета чоп этилмоқда.

Келажакни ёшларимизсиз тасаввур этиш қийин.

Шунинг учун тасарруфимиздаги 14 та мактаб ва бир лицей, тадбиркорлик мактаби ташкилотларга, хўжаликларга биркитилган. Ўқув даргоҳларининг саксон фоизи замон талабига мос равишда қурилган ва компьютер бошқа техника воситалари билан таъминланган. Ҳар ойда аълочи ўқувчилардан 60 нафари хўжаликлар ҳисобидан стипендия олиб турибди. Тўғриси, туманимиз чўл шароитида жойлашган. Шу боис, бу ерга ўқитувчилар кўнимсизлиги анча муаммо. Буни назарда тутиб, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлга қўйилган.

Давр ҳар биримиздан ишчанликни , етти ўлчаб бир кесишни тақозо этмоқда. Туманда омилкорликнинг изга тушишида биринчи галда мутахассисларнинг жой-жойига қўйилганлиги деб биламан. Ошна-оғайнигарчилик каби иллатларга барҳам берилди. Ишлаб чиқаришда асосан ёшлар, ўз мутахассислигини ардоқловчилар жалб этилди. Улар тежамкорликка эришиш, имкониятлардан тадбиркорлик билан фойдаланишга жиддий ёндошаяптилар. Аҳоли талабларидан келиб чиқиб, маҳсулотни ишлаш корхоналари қурилишини давом эттираверамиз. Жорий йилда ана шундай ишлар учун 300 миллион сўм сарфлашни режалаштираяпмиз.

Бироқ туманимиз аграр соҳага ихтисослашган. Бу соҳада кўзланган натижага эришдик, деб бўлмайди. Соҳа бир неча йиллар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги оқибатида издан чиққан. Техникалар яроқсиз ҳолга келиб қолган. Эътиборсизлик, мутахассисларни танлаш яхши йўлга қўйилмаганлиги натижасида ўтган йили айрим хўжаликлар пахта ва ғалла етиштириш режасини уддаламади.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар изчил олиб борилсагина самара беради. Туманда аграр соҳа тармоқлари мулкчиликнинг янги шаклига ўтказиляпти. Биз боғларни, токзорлару тутзорларни ҳам фермер хўжалигига айлантирдик. Ҳозир шу ишларда 40 дан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилди. Уларда мева, узум, чорва маҳсулотлари етиштирилади. Гапнинг рости, мулкчилик шакли ўзгаргач, меҳнат унумдорлигининг ортишида ижобий силжишлар мавжуд.

Туманимиз чорвачиликка ҳам ихтисослашган. Деҳқончилик бир йилда, чорвачилик қирқ йилда, деган гап бор. Сўнгги йилларда соҳа анча издан чиққанди. Тасарруфимиздаги «Ўзбекистон» хўжалигида бир пайтлар 50 мингдан зиёд қўй бўлган. Ҳозирга келиб 30 мингтани ташкил этяпти. Масаланинг бу жиҳати чорвачиликда ҳам жиддий ўзгаришлар қилишни тақозо этмоқда.

Хўжаликда тадбиркорлик билан иш юритилмаса, янгилик кенг жорий этилиб, тарғиботчилар қўллаб-қувватланмаса кутилган натижага эришиб бўлмайди. Биз қишлоқ хўжалигидаги ҳар қандай янгиликдан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини кўраяпмиз. Бу борада айниқса, андижонлик ҳамкасбларнинг плёнка остида чигит экиш усули деҳқонларимизга мақул келди. Жорий йилда 800 гектар майдонга янги усулни синаб кўрмоқчимиз.

Ерлар ишбилармон ва тажрибали деҳқонларга бўлиб берилаяпти. Чунончи, биргина ғаллачиликда, 9500 гектар майдоннинг 6 минг гектари ижарачиларга бўлиб берилган. Аграр соҳада бўшаган ортиқча ишчи кучлари учун янги ўринлар яратилаяпти. Айтайлик қишлоқларда ўнлаб кичик корхоналар, хизмат кўрсатиш тармоқлари барпо этилди. 50 дан ортиқ тегирмон ва мойжувоз, 12 та кичик корхона, 10 та тикиш-бичиш цехи шулар жумласидан.

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, доимий эътиборда,. Ўтган йили туманда жами 25 километрли газ, 18 километрли ичимлик суви, тармоқлари тортилди. Вилоятда ягона ҳисобланган диагностика маркази ишга туширилди.

Ҳозирги кунда туманда ерлар унумдорлигини ошириш учун ишлар қизғин бормоқда. Мавжуд экин майдонларига яхоб суви берилаяпти. Шулар қаторида сув йўлларини тозалаш, маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, издан чиққан лотокларни янгилаш ишлари ҳам қизғин.

1996 йилда 9500 гектар майдонга кузги ғалла экилиб, тўла ундириб олинди. Миришкорлар майсаларга агротехника тадбирлари асосида ишлов беришаяпти. Ҳар гектарга 250—300 килограмм минерал ўғит солинаяпти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик экинлари пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида туманда махсус дастур ишланган.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида кун тартибига киритилган масалалар баҳористонлик деҳқонларни ҳам тадбиркорлик кўрсатишга, имкониятлардан унумли фойдаланишга даъват этди. Шу асосда узоқни кўзловчи режа тузиб олдик.

ҚОНУН УСТИВОР БЎЛСА

Салбий ҳодисаларнинг барчаси, жумладан, жиноятчилик ҳам маънавий қашшоқлик, маърифий кемтиклик шароитида вужудга келади. Шу жиҳатдан олганда қонунбузарликнинг олдини олиш, тартиббузарликка қарши курашни кучайтириш, ҳозирги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш даврида қонун устиворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининггина эмас, балки ҳар бир раҳбарнинг, маҳалланинг, жамоатчиликнинг муҳим вазифасига айланиши лозимлигини юртбошимиз ўз маърузаларида уқтириб келмоқдалар.

Зеро, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим бўғинидир. Биз биринчи галда инсонни қонун билан муҳофаза қилишимиз, унинг яшаш ҳуқуқини кафолатлашимиз ва имкониятларини кенгайтирмоғимиз керак. Қонун устивор бўлган жойда адолат барқарор бўлади. Қонун мустаҳкам жойда ҳаётимизда аниқ тартиб-интизом, турмушимизда ҳаловат мустаҳкамланади. Шу йўлда ҳур Ўзбекистонимизда аниқ тадбирлар амалга оширилаётганлиги маълум. Масалан, республика Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида Фуқаролик Кодекси қабул қилинди ва уни 1997 йил 1 мартдан бошлаб амалга киритиш эълон қилинди. Миллий истиқлол ва давлат мустақиллигимиз махсули бўлмиш ушбу қонун зиммасига мураккаб вазифа — бозор муносабатлари тизимининг ҳуқуқий негизи бўлишдек катта масъулият юкланган. Ёки шу сессияда «Адвокатура тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди. Низомнинг асосий фарқларидан бири Қонун лойиҳасида хусусий адвокатлик амалиётига ҳам имконият яратилганлигидир. Бу биз учун янгилик. Яъни лицензия олган киши ўзининг бюросини очиши ва адвокатлик фаолиятини якка тартибда амалга ошириши мумкин. Умуман ҳаётимизнинг кечиши мақсад сари дадил қадам ташланаётганлигини кўрсатмоқда.

Машхур беш тамойилнинг бири бўлмиш ҳуқуқий давлат қуриш мураккаб, айни пайтда давомли жараён бўлиб, маъмурий органлар ходимлари олдига жиддий талаблар қўйди. Аввало уларнинг ўзлари ҳамиша олдинги сафда бўлишлари, тадбиркорлик, ташаббускорлик кўрсатишлари лозим. Фаолиятимизни янгича талаблар асосида такомиллаштириб бораяпмиз. Республика Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш юзасидан

аниқ тадбирлар амалга оширилаяпти. Хусусан Вазирлар Маҳкамасининг экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги. Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши тўғрисидаги, Банкротлик тўғрисидаги каби кўплаб қонунлар ижросини таъминлаш фаолиятимизнинг бош йўналишларидан биридир. Кам таъминланган табақаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, қишлоқ хўжалигида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш масалалари ҳам диққат марказида. Омма билан алоқа мустаҳкамланганлиги, ходимларимизнинг изчиллиги, қатъиятлилиги туфайли ишда ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда. Районимизда жиноятчилик, ҳуқуқбузарликка қарши кураш барчанинг умумий ишига айланди, деб айта оламиз. Фаолият якуни одамларга рўзномалар, умумий йиғилишлар орқали маълум қилиб борилмоқда. Отахонлар, мутахассислар муаммоларни ҳал этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи кенгаши ишини жонлантириш юзасидан қимматли маслаҳатлар бермоқдалар. Туман ҳокимлиги бу борада катта мадад кўрсатмоқда.

Жиноят содир этиб муддатини ўтаб қайттан кишиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш кўнгилсиз ҳолларнинг камайишига сабаб бўлмоқда. Сўнгги икки йилдан буён шу тоифадаги шахслар мунтазам равишда ҳокимиятга таклиф этилиб, улар яшаб турган фуқаролик йиғинлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида суҳбатлар ўтказилмоқда. Илтимослар қондирилмоқда, имконият даражасида амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Айни пайтда ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган, туриш-турмушининг тайини йўқ, меҳнатдан бўйин товлаётганлар қатъий назоратга олинди. Пировард натижада жиноят содир этиш ўтган йили 1995 йилга нисбатан анча камайди.

Ёшлар орасида турли мавзуларда суҳбатлар уюштираяпмиз. Кўнгилсиз воқеалар содир бўлишининг туб сабаблари лўнда тушунтирилмоқда. Бир вақтлар одамлар қишлоқларда мол ўғирлари кўпайганлиги ҳақида ташвиш билан гапиришарди. Фаолларга таяниб ўтказилган тадбирлар бундай кўнгилсизликларга деярли чек қўйди.

Инсон ҳаётда эмин-эркин, бахтиёр яшашни орзу қилади. У қийинчиликларга чидаши мумкин, бироқ адолатсизликка чидамайди. Қонун устиворлигини, меҳнати қадрланаётганлигини сезган киши ёниб-жўшиб меҳнат қилади, мўъжизалар яратади. Зеро, биз учун Ватан битта, мамлакат битта! Бизни битта манфаат бирлаштиради: мустақил Ўзбекистон манфаатлари! Ана шу буюк мақсад йўлида бирлашиб ҳаракат қилмоғимиз даркор. Меҳнатсевар, омилкор фуқароларимиз ўз бурчларига содиқ эканликларини намойиш қилиб келишмоқда. Шўрчиликлар ўтган йили вилоятда биринчилардан бўлиб давлатга ғалла топшириш режасини ортиғи билан адо этдилар. Пахтачиликда илдам қадамлар қўйилди. Охунбобоев номли, Т. Бердиев номли, А. Сафаров номли, «Ободон» хўжаликлари муваффақиятта салмоқли улуш қўшдилар. «Полвонтош» жамоа хўжалиги азаматлари биринчи бўлиб маррага етдилар. Ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олинди. Охунбобоев номли хўжаликдан Қурбон Пардаев, Файзулла Боймирзаев, А. Сафаров номли хўжаликдан Шерали Қулмонов, Мавлон Шерхонов каби дарғалар етакчилигидаги жамоаларда ҳосилдорлик 43—50 центнерни ташкил этди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин, тинчлик, хотиржамлик энг катта бойлик, халқимизга биров ҳалақит бермаса ҳур Ўзбекистон келажакда албатта буюк давлатта айланади.

Президентимиз халқ депутатлари Жиззах, Сирдарё, Наманган ҳамда Бухоро вилоятлари кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларида маъмурий органлар ходимлари олдига ҳам жиддий талаблар қўйди. Улар асосида фаолиятимизни такомиллаштириб бораяпмиз. Ишимизда баъзи камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Одамлар орасида кўпроқ бўлишимиз, уларнинг ёрдамига таянишимиз керак, Қишлоқ одамлари ишонувчан бўлишади. Айниқса чорва молларини кечалари дала-даштта қаровсиз ҳайдаб қўйиш бировнинг ҳақидан хазар қилмайдиган баъзи нопокларга қўл келаяпти. Бутун диққат-эътибор осойишта ҳаётни таъминлаш, кўнгилсиз ҳолларнинг олдини олиш чораларини белгилаш ва муҳим ишнинг муваффақиятли уддасидан чиқишга қаратилмоқда.

Эргаш МЕНГЛИЕВ,
Шўрчи тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.



Ўз касбини ардоқлаган, техникани кўз қорачиғидай асраган марди-майдон механизаторлар жуда кўп. Бўка туманидаги «Кўкорол» жамоа хўжалигининг пешқадам суворийси Йўлдошбой Шокиров 10 йилдирки, ўз касбини эъзозлаб келаяпти. У дала ишларида деҳқонга мададкор. 1996 йилни самарали якунлади. Пахта терими мавсумида хирмонга пўлат этакдан 100 тоннадан ошириб «оқ олтин» тўкди. У қишки тадбирларда ҳам фаол қатнашмоқда.

Суратда: механизатор Й. Шокиров.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ЭКИНЛАРНИ ПАЙҲОН ҚИЛИШ — ГУНОҲИ АЗИМ

Пешку тумани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамоа хўжаликлари бошқарувлари раислари, қишлоқ фуқаролари йиғинлари раислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори Хайрулло Шарипов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик экинлари пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юзасидан туманда олиб борилаётган ишлар ҳақида маъруза қилди.

Туман прокурори Салим Ашуров хўжаликларнинг раҳбарларига ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари билан биргаликда экинларнинг пайҳон қилишини аниқлаш ва бундай қонун бузилишларнинг олдини олиш юзасидан мунтазам рейдлар ўтказиш, жойларда кузатиш пунктлари ўрнатилиши ва дала қоровуллари белгиланишини таклиф этди.

Экинларни пайҳон қилиш ҳоллари аниқланган тақдирда пайҳон қилган чорва моллари ёки бошқа пайҳон қилиш воситасининг эгасини аниқлашга доир оператив чора-тадбирлар кўриш, материаллар айбдорларни қонун хужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш учун тегишли органларга берилиши зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, корхоналарга, ташкилотларга, фуқароларга қарашли пайҳон қилиш воситалари тутиб қолиниши ва унинг эгалари ҳамда мулкдорлар томонидан пайҳон қилиш туфайли етказилган зарар тўлиқ қопланган тақдирдагина қайтариб берилиши эслатиб ўтилди.

Туманда қишлоқ хўжалиги экинларини қўриқлаш учун масъул бўлган ички ишлар бўлими ходимларига отлар ажратилди ва қоровуллар сонини ошириш жамоа хўжаликлари бошқарувлари раисларига топширилди.

Собир ҚОДИРОВ.

МИЖОЗЛАР ДИДИГА МОС

Андижон вилоятининг Хонобод шаҳри дўконларида шу ерда ишлаб чиқарилган макаронлар пайдо бўлди. Бу макаронлар сифати ва кўриниши жиҳатдан хориждан келтирилган маҳсулотлардан қолишмайди, нархи эса уларга нисбатан анча арзон.

Бу маҳсулотлар «Жаҳонгир» кичик корхонасида ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг ихтисослаштирилган махсус цехида олти нафар ишчи меҳнат қилиб, кунига салкам бир тоннагача беш хил макарон тайёрланмоқда. Корхона хорижий ускуналар билан жиҳозланган, ўзининг тегирмони ва фирма дўкони бор.

Хонобод шаҳрида бугунги кунда мингдан кўпроқ одам истиқомат қилади. Янги корхоналар ташкил этиш аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга кўмак беради. Ҳозир шаҳарда 300 дан ортиқ ишлаб чиқариш фирмалари ва кичик корхоналар ишлаб турибди. Уларда юз хилга яқин озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари ишлаб чиқарилмоқда.

ГРАНСТАР ПРЕПАРАТИНИНГ САМАРАСИ

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин ғалла мустақилигига эришиш асосий масалалар қаторидан ўрин олди. Боиси юртимизда қишлоқ хўжалиги етакчи ўринни эгаллаганлиги туфайли пахтачилик билан бир қаторда ғаллачилик ҳам юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришда асосий ўринлардан бирини эгаллаши лозим.

Кейинги йилларда суғориладиган ерларда тармоқ экинлари майдони кенгаймоқда. Шу билан бирга майдонлар ҳосилдорлигини оширишни ҳам унутмаслик керак.

Охирги йилларда ·мамлакатимизда ғаллачиликка катта эътибор берилаётган бўлсада, суғориладиган ерлардан олинаётган ҳосилдорлик гектарига 26-28 центнердан ошмаяпти. Эндиги асосий вазифа бу кўрсаткич суғориладиган ерда 40-45 центнер лалмида эса 10-12 центнерга етказилиши лозим.

Суғориладиган ғалла майдонларида бегона ўтларнинг лалмикор ерлардагига нисбатан кўп бўлиши табиий. Бегона ўтлар ҳосилнинг ярмигача, ҳаттоки учдан икки қисмигача бўлган миқдорини нобуд қилиши фанда ва тажрибада исботланган. Чунки бегона ўтлар сув ва озиқ моддаларни кўп ўзлаштиради, ғаллага соя солиб, фотосинтезга нисбатан нафас олишини тезлатиб, ҳосилдорликка жуда катта салбий таъсир қилади. Республикамизнинг суғориладиган ғалла майдонларида 75 хил, лалмида эса юз хилдан ортиқ бир ва кўп йиллик ўтлар учрайди. Улар маданий ўсимликларнинг озиқ моддаларига шерик бўлиб, ҳосил миқдорини ва сифатини кескин пасайтиради. Ғалла майсалари бошланғич ўсиш фазасида секин ривожланиши сабабли бир йиллик бегона ўтлардан кўпроқ зарарланади. Агар бегона ўтлар сони бир квадрат метрда 180-200 тага етадиган бўлса, ғалла пояси ингичкалашиб, унинг ётиб қолишига ва ўз навбатида ўримини қийинлаштириб, ҳосилни камайтиришга олиб келади. Суғориладиган ғалла майдонларида кенг тарқалган хушбўй шўра, оқ шўра, олбўта, қўйпечак, пахтатикан каби ўтлар буғдойга нисбатан азотни 20-30 марта кўп истеъмол қилади.

Бир килограмм қуруқ модда ҳосил қилиш учун буғдой 350-500 литр , маккажўхори 320 литр сув талаб қилса, бегона ўтлардан шўра 800 литр сув истеъмол қилади ва 150 мингдан бир миллион донагача уруғ беради. Ғаллазорларда учрайдиган бегона ўтлардан айримлари, масалан, кампирчопон, эшакмия, кўкмараз, корамиш сингарилари заҳарли бўлиб, улар ҳосилдорликни пасайтирибгина қолмай, инсон ва чорва молларини заҳарлашгача олиб келади. Шунинг учун ҳам уларга қарши курашиш тармоқни ривожлантиришда бош омиллардан бири ҳисобланади.

Ҳозир 2,4—Д ва 2М—4Х гербицидлари икки паллали бегона ўтларга қарши курашишда самарали дори эканлиги исботланган ва бошқа регионалларда кенг қўлланилмоқда. Бироқ уларнинг ғўза ўстириладиган жойларда ишлатилиши маън этилган. Чунки, гербицидлар пахтага экологик жиҳатдан салбий таъсир этиб, ҳосилдорлигини пасайтиради.

Ўзбекистон Фанлар академия-

Тавсия

сига қарашли генетика институти ва Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ўсимликларни ҳимоя қилиш институти илмий ходимлари 1993—1996 йилларда сувли ва лалми буғдойзорларда бегона ўтларга қарши бир неча янги гербицидларни Қуйи Чирчиқ, Қибрай, Юқори Чирчиқ, Зангиота, Ғаллаорол туманларида синаб кўриб, айниқса, улар ичида «Дюпон» фирмаси ишлаб чиқарган Гранстар гербицидини гектарига 20 грамм қўллаганда юқори натижага эришиш мумкинлигини аниқладилар. Бу препарат Қашқадарё вилоятида ҳам синаб кўрилиб, ижобий натижага эришилди. Бу Косон туманидаги «Кунгиртов», «Гувалак» жамоа-ширкат хўжаликларида амалга оширилди.

Гранстар гербицидини синаб кўрилган далаларда бегона ўтлар сони ҳар бир квадрат метр майдонда 65-80 донагача учраган эди. Айниқса, хушбўй шўра, оқ шўра, олабўта, какра, янток, чумчуқ тили, қўйтикон, пахтатикон, дала ранг ўти, читир, аччиқмия, кўкмараз, ёввойи тожихўроз ва бошқа заҳарли ва зарарли бегона ўтлар кўп миқдорда учради. Экин майдонларига гербицид сепилиши ғалланинг туплаш фазасида, бегона ўтларнинг тўлиқ кўкариб чиққан даврида, яъни 19 апрелда ўтказилди. Препарат ОВХ-28 аппарати воситасида сепилди.

Тажриба ишлари олти вариантда олиб борилди. Яъни назорат вариантида Гранстар сепилмаган. Тажриба вариантларига эса 5:10:15:20 грга миқдорида сепилди. Ана шу вариантларда энг яхши самара 25 кундан кейин 20 гр сепилган вариантда кузатилди. Шунингдек, вилоятда жуда кўп тарқалган олабўта, оқ шўра, хушбўй шўра ва таркибида клетчаткаси кам бошқа бегона ўтларга қарши Грангстарни 15 гр)га миқдорида сепилганда ҳам яхши натижалар олинди. Препаратнинг бегона ўтларга таъсири 83,2 фоизни ташкил этди. Лекин унинг будойга салбий таъсири кузатилмади. Тажриба ўтказилган майдонлар атрофида тут дарахти ҳам бор эди. Унинг барглари пилла қуртига берилиб, таъсири текширилди. Салбий таъсири умуман бўлмади. Буғдой экилган майдонларда бегона ўтларни препарат воситасида йўқотиш эвазига ҳосилдорлик сезиларли даражада ошди. Косон туманидаги «Гувалак» хўжалигида 10 гектар майдоннинг (Гранстар гектарига 20 грамм қўлланилган) ҳар гектаридан 31 центнер, препарат сепилмаган ерлардан эса 23 центнердан буғдой ҳосили олинди. Шу тумандаги «Кўнғиртов» хўжалигида 20 гектар майдонга буғдойнинг «Сансар-4» нави сепилган эди. Гектаридан 26 центнердан ҳосил кўтарилди. Ушбу гербицид воситасида ҳосилдорлик Қашқадарё вилояти шароитида 8-9 центнерга ошди.

Ўтказилган тажрибага асосланиб мазкур экологик соф прератни маҳсулот етиштиришда ва ғаллани бегона ўтлардан сақлашда асосий восита деб ҳисоблаймиз.

З. ЛАТИПОВ,
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги дончилик бошқармаси бошлиғи ўринбосари.
И. ЭРНАЗАРОВ,
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти профессори.
З. ИБРОҲИМОВ,
Б. ҚОДИРОВ,
илмий ходимлар.

ТОЙЛОҚЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

Тойлоқ тумани деҳқонлари йилни юксак натижалар билан якунлади. Фидокорона меҳнат туфайли эл дастурхонига мўл-кўл ноз-неъмат етказиб берилиб, қатор соҳалардаги режалар муваффақиятли уддаланди. Яхши меҳнатдан сўнг яхши дам олиш керак, деган нақлга амал қилган тойлоқликлар куни кеча ҳосил байрамини кенг нишонладилар. Байрам тантаналари бошланишидан олдин «Соҳибқирон»жамоа хўжалигида 422 ўринга мўлжалланган мактаб, «Жумабозор» ижара хўжалигида 60 ўринли шифохона биносини фойдаланишга топшириш маросими бўлди. Амир Темур номидаги жамоа хўжалигида эса соҳибқирон ҳайкали ва музейи очилди. Шунингдек, битта қишлоқ даволаш пункти ва уч минг томошабинга мўлжалланган стадион ишга туширилди. Шундан сўнг байрам тантаналари туман марказида давом этди.

Қишлоқ инфратизими: истиқбол дастури амалда

ЮРТ ЖАМОЛИ, ИНСОН КАМОЛИ

Республика Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов халқ депутатлари Сирдарё, Жиззах, Наманган ва Бухоро вилоятлари кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларида қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш қандай бажарилаётганлиги масаласига жуда катта эътибор берди. Чунки қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширмай туриб ислоҳотлардан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилинганига ҳам саккиз ой бўлаётир. Шу қарорнинг ижроси Учкўприк туманида қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида мухбиримиз Р.Мелибоев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Акрамжон Йўлбарсов билан суҳбатлашди.

— Ушбу қарорда белгиланган дастурни туман қишлоқларида ижросини таъминлаш учун энг аввало ҳокимликнинг тадбирлари белгилаб чиқилди. Барча хўжаликлар, маҳалла фуқаролари йиғини кенгашларининг дастурлари тузилди, — дейди ҳоким А. Йўлбарсов. — Бу дастурларда кўзланган режалар бирин-кетин бажарилиб, ниҳоясига етказилмоқда. Халқ турмуш фаровонлигини кўтариш учун туманда барча имконият ишга солинмоқда. Қўқон-Фарғона бош йўли ёқасида жойлашган Учкўприк туманида 143 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Иқтидорли шоир Ҳазиний юртининг одамлари жуда дилкаш, меҳмондўст, меҳнатсевардир. Қишлоқда турмуш маданиятини юксалтиришнинг энг муҳим белгиларидан бири, хонадонларни табиий газлаштириш, электрлаштириш, тоза ичимлик сув билан таъминлаш ва маданий, маърифий, маиший хизмат нуқталарини кўпайтиришдан иборатдир.

Ободончилик ишларини маблағсиз бажариш мушкул. 1995 йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш режаларини ошириб бажариб, 273 миллион 300 минг сўм даромад олган эдик. Маблағнинг бир қисми халқ фаровонлигига сарфланди. Бу йилги даромад ҳам ўтган йилгидан кам бўлмайди. Пахтадан ташқари ҳамма қишлоқ хўжалик маҳсулотлари режалари бажарилди.

Бундан икки йил бурун туманда хонадонларнинг атиги 13 фоизи табиий газлаштирилган эди. Республика Президентининг қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги фармонидан сўнг бу соҳага эътибор кучайди. Икки йилда 245,6 километр масофага газ қувурлари тортилди, 6451 хонадонда газ порлади. Биргина 1996 йилда 70 километрга юқори, ўрта, паст босимли газ қувурлари ётқизилиб, 2100 хонадон табиий газлаштирилди. Туманнинг энг чекка «Оқсув» жамоа хўжалигидаги Тожик, Мамачол қишлоқлари, «Наврўз» жамоа хўжалигидаги Султонобод, Қораёнтоқ, «Учкўприк» жамоа хўжалигининг Айритом, Беквачча, Ҳамза Ҳакимзода номли хўжалигининг Туқсонқовун, Эҳрибуви, Бўриолди қишлоқлари аҳолиси табиий газдан баҳраманд бўлдилар.

Айни пайтда 12 километр масофага юқори босимли газ қувури тортиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. У ишга тушса, туман маркази ва 18 та қишлоқнинг газ таъминоти янада яхшиланади. Туманда мавжуд 128 та қишлоқдан 86 таси тўла табиий газлаштирилди. Бу хосиятли ишларни амалга оширишда Меҳмонали Йигиталиев бошлиқ туман газлаштириш идораси, унинг ҳузуридаги «Йигитали» кичик корхонаси, Анваржон Акрамов раҳбарлик қилаётган 4-ПМК қурувчи-монтажчилари фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Мустақиллик шарофати билан эл-юрт ободончилигига кенг йўл очилди. Якка тартибда уй-жой қурувчилар, кичик хусусий корхоналар, тижорат дўконлари, маиший хизмат тармоқлари сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Мулкчиликнинг қайси шаклида бўлишидан қатъий назар, янги объектларнинг барпо қилиниши қишлоқларнинг жамолини очмоқда, иккинчидан, ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш имкониятини яратилмоқда. Туманда ҳозир 82 кичик хусусий корхоналар, 300 та фирмалар, 76 хусусий дўконлар, 281 та маиший хизмат точкалари фаолият кўрсатмоқда. 88 та ошхона-чойхона, 10 та тикувчилик, 17 та темирчилик, 6 та пойабзал цехлари, 139 та қассобчилик дўкони, 109 сартарошхона аҳолига хизмат қилаётир. Маиший хизмат тармоқлари жорий йилда 5 миллион 732 минг сўмлик, хусусий дўконлар 138 миллион 848 минг сўмлик, матлубот ҳиссадорлик жамиятининг 112 та савдо дўконлари 133 миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатдилар.

Мустақиллик шарофати туфайли аҳоли истиқомат жойларида маҳалла гузарлари ташкил этиш расм бўлди. Ҳозирда 149 маҳалладан 94 тасида гузарлар ташкил этилди. Бу жойларда аҳоли дам олиши билан бирга кундалик эҳтиёж учун озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қиладилар, маиший соҳанинг турли тармоқлари хизматидан баҳраманд бўлмоқдалар. Республика ҳукуматининг маърифий марказлар тузиш ҳақидаги қароридан сўнг 11 та қишлоқ фуқаролар йиғини ҳузурида маърифат-маданият марказлари ташкил бўлди, улар халққа мустақиллигимиз ғояларини чуқур сингдиришга ҳаракат қилаётирлар. Бундан ташқари 42 та кутубхона, 13 та клуб-кинотеатрлар, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, Ҳазиний ва туман музейи аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Фуқаролар ўз моддий бойликлари ҳисобидан пул жамғармаларига эга бўлишлиги учун туман ҳудудида халқ банкининг 26 та бўлими очилди, улар айни чоғда қизғин фаолият кўрсатмоқда.

Туман меҳнаткашларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 4400 гектар ер участкалари берилди, давлат тасарруфидаги уй-жойлар бепул хусусийлаштирилди. Янги ер участкаларига фуқаролар якка тартибда 33,3 минг квадрат метр уйлар қуриб олдилар. 12,9 километрга ичимлик сув қувурлари тортилди. Бугунги кунда 16 та алоқа бўлимини ўз ичига олган туман почта алоқаси ва матбуот тарқатиш тармоғи хизматидан 16 минг нафақахўр, 11 мингдан ортиқ обуначилар баҳраманд бўлаётир.

Юртбошимиз келажаги буюк давлатнинг соғлом, бақувват авлодларини тарбиялаб вояга етказиш учун спортни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Туман ҳокими бу соҳа бўйича аниқ тадбирлар белгилаб, уни изчил амалга оширмоқда. Марказда 5000 ўринли спорт комплекси қурилди, унда шинам спорт зали, бассейн, волейбол майдончаси, теннис корди бор. Ишқибозлар спортнинг ўн тури бўйича шуғулланмоқдалар. «Зафар» футбол клуби аъзолари вилоят биринчилиги мусобақаларида фаол қатнашиб, ғолиблар сафидан ўрин олди. Волейбол командаси вилоятда иккинчи ўринни олди. Дзюдочилар республика биринчилиги мусобақаларида қатнашиш шарафига муяссар бўлишди. Қишлоқларда спортнинг миллий кураш бўйича клублари фаолият кўрсатмоқда, унда юздан ортиқ полвонлар, кураш сирларини ўрганмоқдалар. Амалга оширилаётган бу хосиятли ишлар туман аҳолиси турмушини янада юксалтиришга хизмат қилади, албатта.

Салмоқли натижалар, ёруғ орзулар

Суҳбатдошимиз — Умархон Фазлиддинович Искандаров меҳнат фаолиятини Мингбулоқ тумани хўжаликлараро қурилиш ташкилоти темирбетон буюмлари заводида қолипловчиликдан бошлаган. Йигитлик бурчини адо этиб келгач, олийгоҳда инженер мутахассислигини эгаллади. Чорак асрдан бери у Тўрақўрғон, Наманган ва умуман вилоятдаги бунёдкорлик ишларига мутахассис сифатида ўз улушини қўшиб келаяпти. Кейинги беш йилда Наманган тумани ҳокимининг ўринбосари сифатида қурилиш, ободончилик, қўшма корхоналарни вужудга келтириш, маданий-маиший шохобчалар тармоғини кенгайтириш ишларига бош-қош бўлиб турибди. Қуйида у туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш юзасидан белгиланган ҳаракат дастури ҳақида ҳикоя қилади:

ҚУРУВЧИНИНГ ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ

— Хайрлашилган 1996 йил ниҳоясида, ёруғ орзулар билан кутиб олганимиз — 1997 йил бусағасида туманимиздаги «Ижодкор» агрофирмаси, «Зарбдор» корпорацияси, «Соҳибкор», «Самарқанд», «Ғайрат», Қ. Солиев номли жамоа хўжаликларида юздан зиёд оила янги уйларга кўчиб чиқишиб, ҳовли тўйлари ўтказишди. Улар янги йилни янги уйларда кутиб олишмоқда. Бу турар жой биноларининг ярми қурилиш ташкилотлари томонидан барпо этилган бўлса, қолган қисми қишлоқ меҳнаткашларининг ўз кучлари билан якка тартибда қуриб олинди. Истиқлол шарофати туфайли якка тартибда жой қурувчиларга томорқалар ажратилганлиги ва маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш кенгайганлиги бу борада алоҳида аҳамият касб этмоқда. Кейинги беш-олти йилнинг ўзида туманимизда 2,5 минг гектардан зиёд ер якка тартибда уй-жой қуриш учун ва томорқага берилди.

Қишлоқ меҳнаткашлари турмуш шароитини яхшилашнинг бошқа жиҳатлари ҳам доимий диққат-марказда бўлиб келаяпти. Хусусан, 1991 йилгача туман аҳолисининг табиий газ билан таъминланиши атиги 8 фоизни ташкил қилганди. Мустақилликнинг ўтган беш йилдан кўпроқ даври мобайнида туман бўйича 270 километрдан зиёд узунликдаги юқори, ўрта ва паст босимли газ қувурлари тортилиб, ҳозирги пайтда 21,5 мингдан зиёд хонадон ана шу қулай ёнилғидан фойдаланаётир. Газлаштириш даражаси 90 фоиздан ошиб кетди.

Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш борасида ҳам шундай ўсишга эришилди. Кейинги беш йилнинг ўзида 110 километрдан зиёд масофага тоза ичимлик суви қувурлари тортилди. Аввал фойдаланиб келинаётган водопровод тармоқларининг каттагина қисми таъмирланди. Ҳозирги пайтда аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 70 фоиздан зиёд. Демак ҳали бу борада қиладиган ишларимиз кўп. Охунбобоев номли, «Самарқанд», «Шербулоқ», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида тоза ичимлик сувига бўлган талаб-эҳтиёжни тўла қондириш чоралари кўрилаяпти. Мамлакатимиз ҳукуматининг кўмаги билан бунёд этилаётган «Қизилравот» Наманган магистрал сув йўли қурилиши ниҳоясига етгач, бошқа районлар қаторида туманимизнинг кўпгина хўжаликларидаги ичимлик сув таъминоти яхшиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарор ҳозирги пайтда биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти. Бу ҳужжатнинг гоят эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шароитларини яхшилаш учун ҳукумат томонидан марказлашган тарзда маблағ ажратилмоқда. Ана шундай маблағлар ҳисобига Кичик Қурама қишлоғида замонавий тиббий хизмат кўрсатиш шохобчаси барпо этилди. Аввал маблағ етишмаётганлиги сабабли Ғирвон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 844 ўринли 35-мактаб биноси қурилиши тўхтаб турганди. Ҳукумат томонидан маблағ ажратилганлиги туфайли бунёдкорлик ишлари давом эттирилаяпти. Кўп ўтмай бу илм маскани Миришкор, Қист, Қирғизқўрғон, Муллақудинг қишлоқларидаги 2100 ўринли замонавий мактаблар қатори фойдаланишга топширилади. Кейинги қисқа муддатда учта қишлоқда ҳар бири 140 ўринли болалар боғчалари қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги ёш авлодга ғамхўрлик йилдан-йилга ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Эл соғлиги — юрт бойлиги, деб жуда ҳақ гап айтилган. Қишлоқ меҳнаткашларига тиббий хизматни яхшилаш учун замонавий жиҳозлар билан таъминланган, кўркам ва қулай қилиб қурилган шифо масканлари зарур. Шу мақсадда Тошбулоқда 60 ўринли туғруқхона, 90 ўринли жарроҳлик маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари тўртта йирик қишлоқда ҳам замонавий тиббиёт шохобчалари бунёд этилди. Яқинда Тошбулоқда 2200 метр чуқурликдан шифобахш маъдан суви топилди. Ана шу жойда қурувчиларимиз янги даволаш масканини бунёд этдилар. Бу ерда қишлоқ меҳнаткашлари ўз саломатликларини яхшилаш имкониятига эга бўлишади.

Кейинги пайтда йирик қишлоқларда миллий меъморчилигимиз анъаналари асосида гузарлар бунёд этиш яхши одатга айланди. Бундай гузарларда чойхона, ошхона, нонвойхона ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Гузарларнинг гавжумлиги, кўпгина қадимий удумларнинг тикланаётганлиги меҳнаткашларни гоят мамнун қилаяпти.

Етиштирилаётган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини хўжаликларнинг ўзида қайта ишлаш тўрт жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Биринчидан, тайёр маҳсулотни сотиш хўжаликларнинг даромадини оширади. Иккинчидан, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиради. Учинчидан, хом ашёни узоқ жойларга ташиш учун кетадиган транспорт харажатларини камайтиради. Тўртинчидан, қишлоқда янги иш ўринларини вужудга келтириб, қишлоқ хўжалигидан ортиқча ишчи кучларини саноатга ўтказиш имкониятини яратади. Қишлоқда саноат тармоғининг вужудга келиши одамлар ва улар яшаётган заминнинг ижтимоий қиёфасини тамомила ўзгартириб юборади. Яъни сабзавот пайкаллари ва боғларга туташ корхоналарда ўз ишининг миришкори бўлган ишчилар синфи вужудга келади, саноат шохобчаси ва унинг теварак-атрофи ободонлашиб, кўркам қиёфа касб этади. Айни шу мақсадларни кўзлаб қишлоқда саноат корхоналарини вужудга келтиришга катта эътибор берилмоқда. Масалан, ҳозирги пайтда туман хўжаликларида етиштирилаётган сут туркиялик ишбилармонлар билан биргаликда барпо этилган қўшма корхонада қайта ишланмоқда. Бу ерда сариёғ, пишлоқ ва бошқа маҳсулотлар тайёрланаяпти. Илгари ана шу сут вилоят марказига ташилиб, кўпгина ортиқча харажатлар қилинарди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, Тошбулоқдаги «Лола» ишлаб чиқариш бирлашмасида баркут газламаси тўқиладиган корхона барпо этилди. Кўп ўтмай бу ерда 250 киши меҳнат қила бошлайди. Хитойлик ишбилармонлар билан биргаликда ташкил этилган қўшма корхона эса 150 кишини иш билан таъминлаш имкониятини вужудга келтиради. Аввалги маҳаллий саноат комбинати негизида «Ўзбекистон» ҳиссадорлик жамияти тузилди. Бу ерда кўп миқдорда кенг истеъмол моллари тайёрланаяпти. Энг асосийси юз нафарга яқин хотин-қизларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш имконияти яратилди. Худди шунингдек уруғчилик корпорациясига айлантирилган Қ. Солиев номли жамоа хўжалигида кичик пахта заводи қайта таъмирланмоқда. Худди шу ерда исроиллик тадбиркорлар тиббиёт учун зарур ашёлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишади.

Бизга жуда кўп эзгуликларни бахш этган, салмоқли натижаларга эришилган 1996 йил билан хайрлашиб, кириб келган 1997 йилни хурсандчилик билан кутиб олар эканмиз, кенг кўламдаги қурилишлар майдонига айланган туманимиз қишлоқларини бир-бир кўз олдимдан ўтказаман. Қадами қутлуғ қурувчиларимиз бор экан, қишлоқларимиз янада обод ва кўркам бўлади.

Суҳбатдош: А. ҚОРАБОЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ТАБАРРУК ЗАМИН

Қадимий Хива шаҳарининг ён-атрофига жойлашган Саёт Хоразмнинг табаррук гўшаси, кўркам, обод қишлоқларидан бири. Бу ерда Шарқ мусулмон оламининг буюк алломаларидан бири Шайх Нажмиддин Кубро таваллуд топган, волидаи муҳтарамаси Бибиҳожар момо бутун умрини шу ерда ўтказган. Буюк бобокалонларимиз Огаҳий, Ферузларнинг қутлуғ қадамлари теккан бу қишлоққа. Саётдан кейинги йиллар давомида ҳам кўплаб олиму фозил инсонлар, адиблар, меҳнати билан мўъжиза яратган ажойиб кишилар етишиб чиқди.

Қишлоқ кишилари буюк аждодларига муносиб фарзандлар бўлиш, ўз меҳнат ютуқлари билан уларнинг табаррук номларини улуғлашга ҳаракат қилмоқдалар. Қишлоқ ҳудудида фаолият кўрсатаётган жамоа хўжалиги аъзолари барча жабҳаларда қувончли натижаларга эришмоқдалар.

Пахтакорларимиз 1996 йилда давлат режадан ташқари 400 тонна оқ олтин етказиб беришди.

Республикамизда ғалла мустақиллигига эришиш учун муҳим ишлар қилинмоқда. Бунга жамоамиз аъзолари ҳам муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдалар. Буғдойнинг тезпишар, юқори ҳосилли навлари экилмоқда. Ўтган мавсум баракали бўлди. Давлат омборига 574 ўрнига 639 тонна буғдой топширилиб, режа 111 фоизга уддаланди. Ҳар бир пудратчи оилага 200-300 килограмм миқдорида буғдой тарқатилди. Деҳқонларимиз келгуси йилда дон етиштиришни қарийб 2 бараварга кўпайтиришни ният қилмоқдалар. Шунга қарата иш олиб борилляпти. Октябрь ойининг биринчи ярмидаёқ экиб бўлинган буғдойнинг баравж майсалари кўзни қувонтиради.

Хўжалигимиз давлатга пилла топшириш, сут, гўшт, сабзавот, мева етиштириш соҳасида ҳам ўтган йилдаги натижалардан сезиларли даражада ўзиб кетди.

Қишлоққа саноатни келтириш юзасидан ҳам қатор ишлар қилинмоқда. Ҳозир Саётда йигирмадан ортиқ кичик ва хусусий корхона, йилига ярим-уч миллион шартли банк маҳсулот ишлаб чиқарадиган консерва, 4 миллион дона пишиқ, яна шунча ҳом ғишт ишлаб чиқарадиган заводлар, 4 жойда кулолчилик цехи, ун ва шоли оқлаш тегирмонлари ишлаб турибди, балиқчилик хўжалиги ҳовузларида ҳар йили 100 тоннадан зиёд маҳсулот етиштирилиб аҳолига сотилмоқда. У элдошимиз Шайх Нажмиддин Кубро ҳақидаги фильмни суратга олди.

Айни кунларда ҳам далаларимизда меҳнат кўтаринкилиги давом этаяпти. Чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, келгуси йил ҳосилига замин яратиш тараддудидамиз.

М. МАДАМИНОВ,
Хива туманидаги Р. Мадаминов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

Самарқанд туманидаги «Наврўз» жамоа хўжалиги чорвадорлари масъулиятни чуқур ҳис этиб меҳнат қилишмоқда. Янги йилни муносиб ютуқлар билан кутиб олган жамоа меҳнат аҳли тармоқни янада юксалтиришга, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга астойдил бел боғлашган. Мавжуд 285 бош қорамол, шундан 145 бош соғин сигир кўнгилдагидек парваришланмоқда. Қишловга 470 тонна силос, 300 тонна сенаж, 320 тонна лавлаги ва бошқа озуқалар жамғарилган.

Моҳир чорвадор Майрам Ҳалимова жамоа фахри. У ўз қарамоғидаги 16 бош сигирни меҳр билан парваришлаб, ҳар биридан йилига 3 минг килограммдан сут соғиб олишга эришаяпти.

Суратда: Майрамхон Ҳалимова.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ЭКИНЛАР СОҲИБИ ҲУШЁР

Яккабоғ туманидаги Бойқул Худоёров номли жамоа хўжалигида ғалла майдонларини пайҳон қилинишига қарши муҳим тадбирлар белгиланди. Бу борада Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарор хўжалик фаоллари ўртасида пухта ўрганилиб, майсаларни пайҳон қилишга қарши навбатчилар, отлиқ қўриқчилар белгиланди.

Маҳалла қўмиталари раислари, бош ижарачилар экинзорларни мунтазам айланиб чиқишмоқда, аҳоли ўртасида суҳбатлар ўтказилмоқда. Қорамоллар қаровсиз қолдирилиб, экинлар пайҳон қилиниши қонунга хилоф эканлиги ва тармоқдан юқори ҳосил олиш ҳар бир киши учун муҳимлиги тушунтирилмоқда.

— Ғаллачилик нақадар муҳим соҳа эканлигини одамлар яхши тушинишади, — дейди хўжалик бош агрономи Бешбой Қўшшаев. — Шу боис йил сайин майдонлар кенгайиб, ҳосилдорликни оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жорий йилда 848 гектар майдонга дон экиб давлат буюртмасини ошириб бажардик. Камол Хуррамов, Эргаш Бердиев бошлиқ ижарачиларда ҳосилдорлик 37-40 центнерни ташкил қилди.

Тармоқни янада ривожлантириш мақсадида ғалла сепилган 845 гектар майдоннинг гектарига 200 килограммдан аммофос берилди. Асосан «Санзар-8», «Степанка» навлари экилган. 70 фоиз ерда униб чиққан кўм-кўк майсалар кўзни қувонтиради. Дўстқобил Тураев, Зиёдулла Равшанов, Мирза Норбоев бошлиқ бригадалар ғаллазорларида суғориш, озиқлантириш ишлари қизғин давом этмоқда. Улар келгуси йилда ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш учун курашяпти.

Бу юмушларни амалга ошириш билан бирга экинларни пайҳон қилинишига қарши муҳим чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Ҳозир туман ички ишлар бўлимидан Ашурали Қўчқоров етакчилигидаги 45 кишидан иборат дала қоравуллари навбатчилик қилишмоқда.

Тоғай Примов, Ҳусан Рустамов, Қўқон Жўрақобилов каби фуқаролар қорамолларини қаровсиз қолдирганликлари туфайли ғалла майдонига зарар етказган. Бу зарар мол эгаларидан ундирилиб, масъулиятсизликка йўл қўйган ижарачи Ориф Абдиев ишдан олинган. Бундай аҳвол қайта такрорланмаслиги учун барча чоралар кўрилаяпти.

Хайрулла ТЎРАЕВ.

АНГЛИЯ ФЕРМЕРЛАРИ

К.Х. 1997. 3-январь. 1 №

Англияда фермерларни тайёрлаш фақат коллежларда амалга оширилади. Уларда 160 тадан 900 тагача талабалар ўқийди. Бир йилдан кейин битирувчилар ўрта даражадаги қишлоқ хўжалик техник маълумотига эга бўлишади. Хоҳловчи талабалар уч йил ўқигандан кейин қишлоқ хўжалиги бўйича олий маълумот олади. Ўрта махсус таълим даражасини олганларга «Биринчи диплом» ёки «Миллий сертификат» берилса, олий маълумот олганларга «Миллий диплом» берилади.

Коллежларда қуйидаги уч йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади. Булар — ўсимлик маҳсулотларини, чорва маҳсулотларини етиштириш, фермаларни бошқариш ва механизациялаштириш. Зарур бўлган тақдирда асаларичилик, йилқичилик, буғучилик каби тор соҳалар бўйича мутахассислар тайёрланади.

Коллежларга кирувчи талабалар иккита имтиҳон топширадилар, аълочи ўқувчилар эса суҳбатдан ўтишади. Талабалар 35 ҳафта давомида ҳафтасига 33 соатдан ўқитилади. Бир ўқув йили давомида 1.155 соат таълим берилади. Шанба ва якшанба дам олиш куни ҳисобланади. Биринчи ўқув йили уч семестрга бўлинади. Унинг ҳар бири 12-13 ҳафтадан иборат. Ўқиш пуллик бўлиб, бир студент бир семестрда 660 фунт стерлинг, бир йилда 1980 фунт стерлинг тўлайди. Тўланган маблағ кунига уч маҳал овқатланиш ва ётоқхонада яшаш имконини беради. Аълочи талабаларга маблағнинг 50 фоизи шаҳар кенгашининг қишлоқ хўжалик бўлими томонидан тўланади. Ҳозирги вақтда 80 фоиз талабалар фирмалар ва фермалар билан тузилган шартномалар асосида ўқийдилар.

Ҳар бир коллеж ўз фермасига эга. Ундаги барча ишлар талабалар томонидан амалга оширилади. Биринчи босқич талабалари ўқитувчилар раҳбарлигида илғор фермаларда сут, гўшт, картошка ва бошқа маҳсулотларни етиштириш жараёни билан танишадилар. Иккинчи курс давомида албатта фермаларда бир йил ишлаш шарт. Ишлаган даврда талабалар ўқиш учун пул тўламайдилар. Кўпчилик талабалар иккинчи йил амалиёт даврида ота-оналари фермасида тўлиқ иш ҳақи олиб ишлайдилар. Тўпланган маблағдан учинчи босқичда ўқиш учун фойдаланилади. Ҳар бир ўқитувчига 10 тадан талаба бириктирилган бўлади. Глостерширдаги қишлоқ хўжалиги ва боғдорчилик коллежида амалий тайёргарлик юқори савиядалигини алоҳида таъкидлаш лозим. Барча талабалар танлаган мутахассислигига боғлиқ равишда бир йил ўқигандан кейин трактор, автомашина, газон қирқадиган машиналарни бошқариш, сут соғиш аппарати билан ишлаши, ўтлоқларга электр қўриқлагичлар ўрнатиши, компьютерларда мисол ечиши лозим.

Талабалар мутахассислик бўйича амалий кўникмаларни коллеж фермасида ишлаш жараёнида оладилар. Кўпчилик амалий машғулотлар шу фермада ўтказилади. Хартпури 1949 йилдан коллежнинг фермаси сифатида иш бошлаган. Барча далалар агрохимикаторларга эга бўлиб, унга тегишли маълумотлар компьютерга киритилган. Бу ферма 158 га ердан фойдаланади. Фермада 120 бош «Фризо» зотли моллар мавжуд. Улар йилига ўртача 5700 литр сут беради. Маҳсулот сифати жуда юқори: лактоза 4,47, оқсил 3,43, ёғ 4,44 фоиз. Бир бош молдан йилига битта бузоқ олинади ва подани тўлдириш мақсадида ўстиришга қолдирилади. Моллар сунъий усулда қочирилади.

Сигирларни соғиш талабалар зиммасига юклатилган бўлиб, бу юмуш ферманинг ишчиси бошчилик қилади. Сигирлар бир кунда икки марта: эрта тонгда ва пешинда соғилади, шанба ва якшанба кунлари талабалар уйларига кетганда молларга қараш ферма ишчисига қолади. Ҳар 3-4 дақиқа давомида 5 та сигир соғиб олинади. Совутилган сутни олиб кетиш учун махсус машина келади. Фермада бир йилда икки марта бола берадиган чўчқа подаси ҳам мавжуд. Бир бош чўчқа бир йилда 24 та бола беради. Улар 60 кг оғирликкача парвариш қилиниб, гўштга топширилади. Чўчқаларни боқиш бир ишчи қўлида. Фермада 200 бош «Мюза» зотли қўйлар ҳам бор.

Фермадаги барча чиқиндилар махсус тармоқ орқали бетонлаштирилган гўнг сақлагичга тўпланади. У ердан суриб олиниб, далага чиқарилади. Коллежда ўқиш давомида талабалар 30 га яқин фанларни ўрганадилар. Амалиёт ва лаборатория дарслари дала шароитида ўтказилади. Талабаларнинг жуда кўп вақти мустақил ишларни бажаришга ва имтиҳонга кетади.

Дарслар асосан муаммоли масалаларга қаратилган бўлиб, талабаларни мустақил фикрлашга йўналтирилади. Маърузаларнинг ташкил қилинишида ўқитувчининг нутқи ўрнига талаба ва ўқитувчи орасидаги суҳбат асосига қурилади. Амалиёт дарслари ферма далаларида ўтказилиб, унда услубий қўлланмалардан кенг фойдаланилади.

Талабалар билимини синашда имтиҳон асосий аҳамиятга эга. Сертификат олиш учун оғзаки имтиҳон, «Миллий диплом» олиш учун ёзма имтиҳон топширилади. Бир талабага имтиҳон топшириш учун 2 соат ажратилади. Бир кунда ўқитувчи 4 та талабадан имтиҳон олади. Битириш имтиҳонлари район билим кенгаши томонидан тайинланган комиссия томонидан қабул қилинади.

Игорь БЕЛОЛИПОВ, профессор.

Неъмат ЁҚУБОВ

МУҲАББАТ БЎЙСУНМАС

Хўш, инсон мияси ривожи ...он юз беради? Балки инсон миясининг ишламаган қисми у дунёга аталгандир. У ердаги янги ҳаётга боғлангандир. Қуръони каримнинг муқаддас бир оятини эсладим: Ғофил кишиларни бўйинларига, то иякларигача кишанлар уриб қуйилар экан. Бас улар ғудайиб қолурлар. Ҳаққа эгилмаслар. Улар кўра олмаслар. Олдиларидан бир тўсиқ — парда, ортларидан бир тўсиқ — парда қилиб уларни ўраб қўйилган. Қиёмат куни эса уларнинг оғизлари муҳрланади. Шу боис қўллари сўзлар, оёқлари гувоҳлик берур! Ана ўша тўсиқ-пардалар олинса, қўллар сўзласа, оёқлар гувоҳлик берса, булар таажжуб эмасми? Ёхуд ғойиб илмими?!

Мен айтган жумбоқлар ечилса дунёдаги барча сиру асрорларга жавоб топилур. Вақт калити қўлга олинса, ўтмишни ҳам, келажакни ҳам бехато башорат қилмоқ мумкин бўлар. Ахир миллиард воқеалар вақтнинг ёғду кичик каналига жо бўлади, холос...

Кўкдан қушлар овози келди: офтоб ярқираб турган тиниқ осмонда лочин икки қарғани олдига солиб қувлаб кетди. Бирига етиб олиб чангал солди, патларини сочиб, чўққилар сари олиб кетди.

— Чўмилайлик! — таклиф қилди Ботир.

— Жуда соз! — маъқуллади Элёр.

Улар ечинишиб, тиниқ, муздек сувга шўнғишди. Элёр сувда сузмасди. У худди майса устида думалагандек, гоҳ ўнг, гоҳ чап биқини билан сувда айланиб роҳат қиларди. Танаси гир айланиб сув остига чўкар, яна балқиб устида оқарди.

— Элёр, сув остида узоқ нафас олмай қандай ётибсан, — сўради Ботир дўсти қирғоққа чиққанида.

— Бир-икки дақиқа нима бўларди. Ҳиндистонда бир киши сув остида ўн кун яшаган.

— Нафас олмай, овқат емай-а?

— Ҳа!

— Бу қандай сир?

— Инсон қудрати...

Икки йигитнинг баданлари мусаффо муздек сувдан худди сутга чайилгандек покланди, офтоб нурида қизғиш тус олиб, таранглашди. Уларнинг бутун вужудлари роҳат қилиб, кайфиятлари бағоят енгиллашди. Улар тезгина кийинишиб, шаршарадан узоқлашишди. Олдинда баланд тоғ салобат тўкиб турарди. Кекса қайрағоч тагида йигитлар тўхташди. Элёр дўстига деди:

— Ота тоғдан сўра-чи, ғорга йўл бехатарми?

Ботир тоққа юз тутиб, тиз чўкди. Икки кафтини оғзига карнай қилиб ҳайқирди:

— Ассалому алайкум, Ота тоғ! Сирли ғорга йўлимиз бехатарми?

Чўққилару даралардан акс-садо келди:

«Йўлимиз бехатарми?» Ботир кафтларини қулоғига тутиб, узоқ тинглади. Сўнг саволни уч марта такрорлади.

— Хўш, Ота тоғ нима жавоб қилди? — бетоқат бўлиб сўради Элёр.

— Бу ерга нега келдиларинг, деб сўраяпти.

— Ота тоққа айт. Фақат яхши ният билан келдик. Азим тоғдан куч-қувват олгани келдик де.

Ботир яна ҳайқирди. Бироз қулоқ тутиб тургач, дўстига жилмайиб боқди:

— Худога шукр. Ота тоғ йўл бехатар деди. Фақат ўнг қирғоқдан юринглар деяпти. Якка оёқ кўприкдан эса битта-битта ўтиш керак эмиш.

— Таъзим Сизга, Ота тоғ! — Элёр тиз чўкиб тоққа букилиб салом берди. Унинг руҳияти кўтарилиб, беҳад шодланиб кетди. Йўлда боракан, ёш боладек гоҳ у, гоҳ бу оёғини кўтариб ҳаккалаб чопар, ёхуд тоғ райҳони, ялпизларидан юлиб олиб, искар, юзи-кўзларига суртарди. Наъматакзорлар ортда қолди. Йигитлар тик қияликни айланиб ўтишгач, дўланазор бошланди. Пасти-баланд дарахтларнинг мевалари қизил маржондек шода-шода бўлиб эгилган, ерга тўкилганди. Элёр сакраб-сакраб тепа шохларидан дўланалар териб олди. Олдинда ясси майдон тоғ бағирлаб ястаниб ётар, уни одам бўйи малиназор қоплаб олганди.

— Менинг жоним — малина! — деди завқ билан Элёр ва чордона қуриб ўтириб ҳар бири бошбармоқдай меваларни териб кафтини тўлдириб, каппалаб ея бошлади:

— Бу ер айиқлар макони, — деди хавотирланган Ботир. — Тезроқ кетайлик.

— Ота тоғ уларни ухлатиб қўйган. Агар йўлимизни биронтаси тўсса чўқмоғимиз бор. — Элёр елкасига милтиқдек осиб олган чўқмоғига ишора қилди. У мевага обдон тўйиб, кекириб ўрнидан турди.

Йигитлар чакалакзордан минг азобда ўтиб олишди. Дарёнинг шовуллаши қулоққа чалинди. Улар якка оёқ кўприкка яқинлашиб қолишганди. Уни тоғликлар хизматига табиатнинг ўзи ясаб қўйгандай эди: чамаси қирқ метрли оқ теракнинг туби юмшаб энгашиб йиқилгану икки қирғоқни бир-бирига туташтириб, инсон хизматига елкасини тутиб ярим жон ҳолда ётарди. Ботир шими почасини шимариб олди-да, пириллаб ўтиб кетди. У томондаги катта харсанг устига чиқиб атрофни кузата бошлади.

Элёр шошмай, баъзи жойларда терак шохларини силкиб, кўприкдан аста ўтиб борди. Пастда эса дарё кўпириб, тошдан тошга урилиб оқмоқда эди.

— Кун ҳам оғиб қолди, — деди Ботир дўстига. — Ғорга қуёш ботар олдида етиб борсак керак. Дарё ёқаси бехавотир. Шу ўртада тунаб, эрта тонгда йўлга тушсак.

— Кетдик! — хитоб қилди Элёр.

* * *

Улкан чинор тагидаги булоқ бўйидан қўл чўзсанг етгудек кўринган азим тоғ сари йигитлар кун бўйи йўл босишса ҳам у ҳамон олисда эди. Олдинда баланд тепалик кўринди. Уни сополсимон катта-кичик тош босганди. Қадам қўйилса чанадек оёқни пастга суриб кетади. Ҳар қадамда муккалаб, гоҳ йиқилиб, гоҳ қўлга тиралиб қоласан, киши. Бу ердан чиқиб олиш чакалакзордан ҳам мушкулроқ эди. Йигитларнинг оёқлари шилинди: қўллари, тирсаклари қонади. Офтоб эса пастга шўнғиб, уларни шоширарди. Тезроқ юрилмаса, кўп ўтмай борлиқни қоронғилик чулғайди. Шу иштиёқ йўловчиларни олға чорларди. Йигитлар тепа устига чиқишганда қуёш олисдаги чўққи ортига ўта бошлади. Олдинда яланғоч қизғиш харсанг тошли дара кўринди. Тепаликдан тушиш осон кечди. Йигитлар патнусдек сопол тошларга ўтириб майда тошларни ғижирлатиб чана каби учиб тушаверишди. «Чана» бир неча жойда синди. Янгисига алмаштиришди. Сўнг дара сари тез одимлашди. Чор-атроф қизғиш харсанг. Бу ерда ҳатто осмон ҳам йўлакдай тор.

— Ана ғор, — Ботир кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб, пастга қарғалар ғужғон ўйнаётган улкан харсангга ишора қилди. Элёр ўша томонга қараб ҳеч нарса сезмади: ҳамма ёқ харсанг девор.

— Ҳов анави, қия очиқ эшикдек тошлар оралиғини кўрдингизми? Ғор харсанг қоя остида.

Элёр ўша томонга чопиб кетди. Чиндан ҳам ғор оғзи қия очиқ эшикка ўхшарди. Бир одам ёни билан ўтиши мумкин бўлган бўшлиқ бор эди. Гўё улкан харсанг ёрилгани, ёруғ ҳосил қилганди. Одам шарпасини сезган қарғалар, «қар-қар» дея аламситам билан кўкка кўтарилишди. Ботир дўсти ёнига етиб келди.

— Бир каттанинг, бир кичикнинг гапига кир, деганлар. Дўстим ғорга эрта тонгда кирсак, — таклиф қилди у. — Харсанг устида пича ухлаб, дам олайлик.

— Ўзинг ғорга аввал кирганмисан?

— Кирганман. Шу сабаб сени бошлаб келдим-да! Биз дадам билан кундузлари келардик.

— Тунда хавфлими?

— Худо билади.

— Ана! Шу сўзингдан қолма. Жонимизни Аллога топширдик. Қани, йўл бошла. Чироғингни қўлингга ол!

Ғор туйнугининг эни икки одимча эди. Ичкари томони икки-уч қулочдан кенгроқ йўлак бўлиб, у қиялашиб пастга тушиб борарди. Қияликдан йигирма-йигирма беш одим юришди. Сўнг у текис, адил йўналиш олди.

Оёқ таги қум сепилгандай майин. Бир оз юрилгач, Ботир тўхтаб, қўл фонусини баланд кўтариб атрофга тутди:

— Бу биринчи қалъа, — деди у.

Чироқ ёғдусидан чўчиган гала-гала кўршапалаклар чийиллашиб учишди ва тоза харсанг ковакларига бош суқиб, бекиниб олишди. Баҳайбат қорақуш қанотларини тапирлатиб ичкарига ўзини урди. Бу ер бўйи ўн, эни беш метрли, шипи баланд, росмана саройга ўхшарди. Баланд шип ва чор-атроф деворларида турли-туман сумалаксимон тошлар шамчироқдек осилиб турарди. Ўртада курсисимон япасқи қизғиш харсанг. Булар табиий эмас, балки қачонлардир инсон қўли билан бунёд этилгандек бежирим эди. Ичкарига йўл бироз торроқ, шипи ҳам паст эди. Оёқ остида майда қайроқ тошлар ёйилиб ётарди. Баъзи жойлардан букилиб ўтишга тўғри келди. Шу зайлда юз йигирма — юз эллик одимча юришгач, Ботир чироқни баланд кўтарди.

— Мана антиқа қалъа.

У чинакам антиқа эди: катта ва кенг, пасти ҳам, шипи ҳам думалоқ шаклда, харсанг деворларининг тепалари пишган қизил уруғ қовундай ёриқчалари кўп, пойи эса текис эди.

— Мумиёнинг кони шу ер, — деди Ботир, — деворларда қулоч-қулоч бўлиб найзадек қотиб қолган қўнғир сумалакларни кўрсатиб.

Бир чеккада худди мис қумғон жўмрагидан оққандек булоқ қайнаб-тошиб ётарди. Сув пастда челак ботар ҳовузча ясаб, яна қаергадир ғойиб бўларди.

— Қачонлардир бу ерларда ота-боболаримиз яшаган, — деди у гўё ўз-ўзи билан сўзлашаётгандай. Кейин чордона қуриб ўтирдида тиловат бошлади:

— «Аузу биллоҳи минаш шайтонир ражим. Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Ал-ҳамду лиллоҳи раббил оламийна... Ал-раҳмонир раҳим...»

Унинг овози бутун ғор бўйлаб жаранглаб кетди.

Йигит ўқиган дуойи фотиҳасини шу ердан ўтган ота-боболари руҳига, барча умидворларга бахшида этиб, ўрнидан турди.

— Шу ерда пича қолиб, мизғиб олсак бўларди.

— Чарчадингми, тоғ султони?

— Тонг отса яхши бўларди-да.

— Тонг отгани билан ғор ичи ёришармиди? Қўлга қанча қолди?

— Уч юз одимча бор.

— Фонусингнинг пилиги узунми?

— Ўн кечага етади.

— Пилигини пасайтир. Йўл бошла!

— Меҳмон амри бизга вожиб!

— Дўст илтимоси де...

Оёқ остида ғадир-будир харсанг парчалари уйилиб ётарди. Эҳтиётсизлик билан оёқ боссанг мункитади. Ботир фонар тутиб олдинда борар, Элёр гоҳ қоқилиб, гоҳ сийпаниб девор четларини пайпаслаб унга етиб юриш ниятида терга тушди. Чироқ ёруғида йўлак олдида баланд девор кўринди. У жойда ёй шаклида майдонча ҳосил қилинганди. Унг ёнда баҳайбат ғор. Ғор ичида ғор! Эллик қулочча пастда чироқ ёғдусида унинг суви тилларанг бўлиб товланди.

— Қишин-ёзин ҳарорати бир хил. Ўттиз даража иссиқ. Чўмилган роҳат қилади, — деди Ботир ва девор ёқалаб кўл сари туша бошлади. Элёр эса муюлиш бурчакдаги катта тошга термилиб қолди. Шарпа!

— Ботир, изингга қайт, — деди у дўстига.

Ботир тепага шошиб чиқди.

— Чироқни баланд кўтар, анави катта харсанг ортига тут! Нима кўрдинг?

— Ҳеч нарса...

Элёр унинг кўзларини кафти билан бир сония беркитиб очди.

— Энди, қара!

— Элёр, қочдик! Аждаҳо! Сакра, кулга!

— Қўрқма! Қутқу солма. Чироқни баланд кўтариб тур. Мен ҳозир...

— Элёр, ортга қайт!

Элёр эса олдга икки қадам ташлади, қизғиш катта харсанг ортида чоғроқ тош бўлиб, унинг устида боши ўгирдай, сапсариқ илон кулча бўлиб ўралиб ётарди.

Элёр ерга тиз чўкди, икки қўлини кўксига босиб баралла ҳайқирди:

— Ассалому алайкум, сирли ғорнинг садоқатли соҳиби! Сулай, сулай, сулаймон! Кофурмисан ё мусурмон?!

Йигит ўз илтимосини уч бора такрорлади. Шунда илон бошини кўтарди: худди туядек оғзини катта очиб «оф-оф» деган овоз берди. Унинг оғзида на тиши ва на тили бор эди. Элёр дадиллашди ва унга янада яқинроқ борди.

— Биз боболаримиз руҳини шод айламоқ ниятида зиёратга келдик. Сиру асрорингни биздан яширма. Амр-мукофот бер. Нимани қўриқлаб ётибсан? Азиз умрингни не эзгуликка бахшида этдинг?! Айт! Ғор сирини сақлашга, хазиналарингга қўл текизмасликка Алло таоло олдида қасамёд ичамиз.

Илон жойидан аста қўзғалди. У девор тагига аста ўрмалади, унга ёпиша-ёпиша бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Ботир фонусни катта харсанг устига қўйди:

— Бу қандай мўъжиза Элёр? — сўради у таажжубу ҳайратдан лол қолган ҳолда.

— Ёнингда тут, дўстим, — деб унга тушунтирди Элёр, — ҳар бир маскан, жойнинг, ҳатто хонадонлардаги ҳар бир уйнинг асл эгалари мавжуд. Улар одамларга рўшнолик тилайдилар, ҳеч қачон зиён-заҳмат етказмайдилар. Улар бу дунёдан ўтиб кетган боболаримиз руҳлари. Муқаддас ғорнинг соҳиби эса бизнинг кўзимизга илон тимсолида кўринди ва чин ихлосимиз туфайли ўз ўрнини бўшатиб бизга ҳиммат, иззат-ҳурмат бажо айлади. Шу тош тагида нимадир бор. Қани, силжитиб кўрайлик.

Икки йигит кўп уринишди. Аммо қозондек думалоқ тошни на ўнгаю ва чапга қўзғатиб бўлмади. Чўқмоқ синди, пичоқ қайрилди.

— Бу тош тоғ қаъридан ўсиб чиққанга ўхшайди, — деди манглайи терларини кафти билан сидириб Ботир. — Силжитиб бўлмайди.

— Мен қулоқ тутиб кўрай. Сен у томонидан аввал секин, сўнг қаттиқ зарб билан уриб кўр!

Элёр ёнбошлаб тошга қулоқ тутди. Ботир тошга бир неча тош урди.

— Таги бўш, олисдан акс-садо келаяпти, — деди Элёр қаддини тиклаб. У чордона қуриб ўтирди-да кўзларини юмиб, дилида узоқ дуо ўқиди.

— Э, худо ўзинг мадад бер! Ғор соҳиблари ёрдамга келинглар, — деди у баралла.

— Ботир тошни девор томонга суриб кўрайлик. Қани олдик! Ҳе, яша!

Тош девор томон юмалатилди. Остида яна ясси тош бор эди. Униси енгил кўчди. У олингач, пастда қандайдир қудуқ борлиги аён бўлди.

Йигитлар етти қават тош олишач, ўра оғзи очилиб пастдан ёруғ кўринди. Унинг гира-ширасида эгри-бугри зинапоя кўзга ташланди.

— Фонусни пасайтириб қўй, — деди Элёр дўстига. У қудуқсимон чуқурга тушди. Ортидан Ботир эргашди. Ғор остида мўъжаз ғор. Икки кичик хона. Юқоридагиси эса ёй шаклида. Оқ ёғду ўша ердан тушмоқда эди. Икки йигит ҳайратдан қотиб қолди: уч чеккада учта сандиқдек тошдан чиққан нур тепада — баланд супа сийнасига қўйилган узум кўкиш тош ўзра, сўнг ундан бамисоли булоқ сувидек атрофга сочилиб таралларди. Шоҳ саройи тахтини эслатувчи кўктош устида тожлари қип-қизил, тани сутдек оқ илон ўралиб ётганди. Йигитлар оёқ учида юриб тошлардан бири ёнига келишди. Оқ ёғдуга бармоқларини тутишди.

— Тошдан бекиёс қувват чиқаяпти, — деди Элёр. — Ботир, чуқур нафас ол!

— Аждаҳо — илонни қара! У ётган тош ортида яна ғор бўлса-я! — сўради хавотирга тушиб Ботир.

— Куч йиғиб ол! Сўнг ғор соҳибидан сўраймиз...

Элёр илонга яқин бориб, тиз чўкиб илтижо қила бошлади. У кўп ялиниб ёлворди, ғор сирини сақлашга қасамёд қилди. Қанча ҳамду сано, дуои ният қилди. Ниҳоят, қизил тожли илон бошини кўтарди. у девор томон судралиб, шипга ўрмалаб чиқди. Сўнг кўздан ғойиб бўлди.

(Давоми бор.)

«Касби-88» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ўтган йили йўловчилар ва юк ташиш режасини ортиғи билан бажарди. Йилдан-йилга жамоанинг имкониятлари кенгайиб бораяпти. Иноқ жамоада колхида ва автобуслар, шунингдек, техник хизмат кўрсатадиган махсус машиналар етарли.

СУРАТДА: муҳандис Рамил Боқиев ҳайдовчилар Шоди Назаров, Элмурод Гулмуродов ва Ислом Довуров билан.

З. РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

Юртимиз фидойилари

ЎЗ МАБЛАҒИДАН МАКТАБ ҚУРДИ

Ҳаётда ҳалол меҳнат қилиб, савоб ишларга қўл уриб келаётган инсонлар оз эмас. Ана шундай сахий қалб эгаси Жўра Маматқулов номи Ҳамза Хўжақулов номли жамоа-ширкат хўжалигининг барча маҳалла ва қишлоқларида кўпчиликка таниш. У ўз оиласи учун тиклаган каттагина уй-жойини қишлоқдаги Ҳ. Хўжаматов номли мактаб жамоасига ҳадя этди. Бу бино атрофлари ўралган, ошхона ва майдончага, 3 та синф хонаси ва алоҳида ўқитувчилар хонасига эга бўлган мўъжазгина мактабга айланди.

Жўра ака янги уйида қўшимча хоналар қурдирди. Бино тезда сувоқдан чиқарилди. Устига темирбетон плиталар ётқизилиб, томи шиферланди. Туман халқ таълими бўлими синф хоналари учун жиҳозлар сотиб олишга маблағ ажратди. Айни кунларда Ҳ. Хўжаматов номли мактабнинг бўлими ҳисобида иш бошлаган бу илм маскани олис қишлоқлардан қатнаб ўқийдиган ўқувчиларни ўз бағрига олди.

Ж. ЮСУПОВ.

ТАБОБАТ ВА ИҚТИСОДИЁТ

— Ёшлик пайтларим онаизоримиз тез-тез хасталаниб, шифокорларга мурожаат қилишга тўғри келарди. Ўшанда улғайсам, албатта беморларнинг оғирини енгил қиладиган мутахассис бўлиб етишишни кўнглимга туккан эдим. Ниятим холис экан, муддаога эришдим, 1984 йили ТошМИнинг терапия бўлимини тугатдим.

Малака оширган бир пайтда бозор иқтисодиёти бошланди. Таъминот ишларида узилишлар содир бўла бошлади.

Изланишлар, мутахассислар ва мутасадди ўртоқлар билан маслаҳатлашувлар, фикр алмашувлар натижасида хўжалик ҳисобидаги, яъни ўзини ўзи маблағ билан таъминлайдиган бўлим очиш хулосасига келдик. Шу йўналишда ташкилий ишлар бошлаб юборилди, қатор ҳужжатлар тайёрланди. Аниқ ҳисоб-китоб асосида барча тадбирларни ишлаб чиқдик.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз: мақсадимиз шунчаки маблағ топиш эмас, айни чоғда даволаш муолажалари, беморларга хизмат кўрсатиш ишларини сифат жиҳатдан юксак даражага кўтариш эди. Чунки бусиз, хўжалик ҳисобидаги даволаш масканининг истиқболи бўлмайди.

Ушбу ақидага дастлабки кунданоқ қатъий риоя қилганимиз учун, бизда даволанишга иштиёқманд беморлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Дардига малҳам излаган киши бизда нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлаши мумкин. Корхона, ташкилот, хўжаликлар, муассасалар шартнома асосида ўз ходимларини даволатишлари ҳам кўзда тутилган.

Ҳозирча пахта тозалаш заводи, босмахона, сув хўжалиги каби ташкилотлар билан шартнома асосида ҳамкорлик қиляпмиз, нақд пулга дардига малҳам топиб кетаётганлар ҳам оз эмас. Баъзан биз билан шартнома тузган ташкилотларнинг ходимлари ёки оддий фуқаролар одатга кўра дори-дармон кўтариб келишади ва бунга ҳожат йўқлигини эшитиб ҳайрон бўлишади.

Зеро, ҳисобимизда етарли маблағ бўлгани учун беморларни барча ташвишлардан озод қилиб қўйганмиз, уларнинг вазифаси хотиржам ётиб даволаниш, шифокору ҳамшираларимиз уларни тезда оёққа турғазиш, дард кўрмагандек бўлиб кетишлари учун билиму малака, тажрибаю ширин сўзларини асло аямайди. Чунки яширишнинг кераги йўқ, бизнинг тақдиримиз, тирикчилигимиз беморларга қандай хизмат кўрсатишимизга боғлиқ эканлигини барчамиз жуда яхши тушунамиз.

Ҳолбуки, шифо маскани давлат хазинасидан кун кўрадиган бўлса, фаолият натижаси ва тирикчилик ўртасидаги бундай узвий боғлиқлик деярли сезилмайди. Чунки давлатнинг нақд пулларига кун кўрилади. Шартнома асосида ишлаганда эса у ёки бу ташкилот, корхона, хўжаликдан келган беморнинг норозилиги кейинги сафар пул ўтказилишига салбий таъсир этиши мумкин.

Шунга асосланиб дадил айтаманки, шифо масканларининг бевосита корхона, хўжалик ва ташкилотлар билан шартнома асосида ишлашга ўтиши хизмат маданиятини юксалтиришда муҳим омиллардан биридир. Албатта, иқтисодиётимиз дадил қад ростлаб, давлатимиз хазинаси эҳтиёж даражасида харажатларни қоплашга қодир бўлгандан кейин барча шифо масканларида аҳвол тубдан яхшиланишига шубҳа йўқ. Ҳозирча эса хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаш бемор учун ҳам, шифо маскани учун ҳам энг мақбул йўлдир.

Баҳром БОБОЖОНОВ,
Гурлан туман касалхонаси бўлим мудири.



Ҳар тўғрида

ШАМШИР БАЛИҚ ҲУЖУМИ

Лондондаги денгиз музейида кит овлашга мўлжалланган улкан кеманинг таг қисми сақланади. Гап шундаки, бу кема шамшир балиқ ҳужуми туфайли ҳалокатга учраган. Шамшир балиқ мис тунука, ёғоч девор ва 30 сантиметр қалинликдаги тўсинни тешиб ўтишга муваффақ бўлган.

Бу ягона ҳодиса эмас. Утмишда Англияда кемалар шамшир балиқ ҳужумидан суғурта қилинган. Бу балиқлар ҳозирги кемалар учун ҳам хавфлидир. Чунончи, 1961 йили шамшир балиқ «Леопольд» ҳарбий кемасига жиддий талофат етказганлиги боис денгизчиларга зудлик билан ёрдам кўрсатишга тўғри келган эди.

1962 йили эса Маршал ороллари яқинида ов қилаётган кема шамшир балиқ ҳужумига учради. Кемани қутқариб бўлмади. Шамшир балиқ соатига юз километрдан ошиқ тезликда келиб урилгани учун ҳам гоҳида пўлат қопламалар ҳам унинг зарбасига дош беролмай қолади.

Шамшир балиқнинг нима учун бундай ҳужумлар уюштириб туриши ҳанузгача қоронғидир.

НАВҚИРОНЛИК ДОРИСИ

Аризона штати дорилфунуни мутахассислари Е витамининг инсон танасига таъсирини узоқ тадқиқ қилишгач, бу дармон-дори навқиронликни сақлаб қолишнинг муҳим омилларидан бири эканини аниқлашди.

Жониворлар устида олиб борилган кузатувлар шундан далолат берадики, Е витамини ёш ўтиши билан оқсил моддаларининг емирилишига йўл қўймас экан. Натижада бош, мия, тананинг муҳофаза қилиш тизими — иммунитет фаолияти сусайиши олди олинади. Бу эса эрта қаришга йўл қўймайди.

Е витамининг асосий манбалари эса ўсимликлар ёғи, данаклар, ёнғоқдир.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ:
«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат—ширкат қўмитаси
«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 05, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 3 4 6.